532с

[illegible] – буюртма [illegible] нусха. Ҳажми [illegible] б.т.
2003 йил [illegible] февралда босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида
нашр қилинди.

У3.87.14
К-64

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

# КОМПОЗИЦИЯ АСОСЛАРИ

(ўқув-услубий қўлланма)



ТОШКЕНТ – 2003

Уканборова

Аннотация

Мазкур ўқув қўлланма тасвирий санъатнинг асосий негизи ҳисобланган, композиция фанини ўрганишнинг мақсад ва вазифалари, методик услублари, вазифаларини назарий ва амалий бажариш ҳақида маълумот беради.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган, қўлланмадан касб ҳунар коллежи ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Композиция асослари. Ўқув қўлланма.
Муаллиф: доцент Г.М.Абдурахмонов.
Масъул муҳаррир: П.Ф.Н. доцент Б.Б.Бойметов.
Муҳаррир: катта ўқитувчиБ.Тожиев
Тақризчилар: 1. Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми, профессор М.Набиев.
2. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Б.М.Бобоев.

Ўқув қўлланма Низомий номидаги Т.Д.П.Унинг Илмий Кенгашида мухокама этилиб, нашрга тавсия этилган. 2002 йил 27 июнь 12 сонли қарор.

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ КУТУБХОНАСИ

## КИРИШ СЎЗИ.

Композиция сўзи лотинчадан «композитио» - яъни предметлар бўлакларини солиштириб, маълум тартибда яхлит жойлаштириш, ғояга мувофиқ ижод қилиш,баён қилиш, композиция тузиш демакдир.

Композиция,санъатнинг ҳамма турларида мавжуд: адабиёт, театр-кино, мусиқа, тасвирий ва амалий санъат,архитектура ва ҳоказо.

Композиция ўқув предмет сифатида, қаламтасвир, рангтасвирдан кейин пайдо бўлди ва ҳозирда композиция курси олий таълим касб-ҳунарлари ўқув режаларига киритилган.

Педагогика университетларининг бадиий-графика факультетларида композиция фани талабаларни ижодий қобилиятларини ривожлантириш билан бирга композиция қонун,қоидаларини, ҳаққоний тасвирлаш усулларини ўргатади.

Тасвирий санъатда композиция қаламтасвир, сояеруғ,ранг,ҳаво ва чизиқ перспективаси каби тасвирий воситалар билан яратилади.

Композиция курси талабаларни мустақил ижодий ва педагогик фаолиятида образли фикр юргазишида катта аҳамиятта эгадир.

Композиция фани суҳбат, маъруза ва амалий машғулотлардан иборат. Композицияни асосий қонун, қоидалари, усул ва воситалари, талабалар томонидан амалий машғулот ва сухбатлар жараёнида мукаммал ўрганилади.

Композиция-ўқув предмети ҳайкалтарошлик, меъморчилик, графика, қаламтасвир, рангтасвир,санъат тарихи каби мутахассис фанлар билан узвий боғлиқдир.

Қаламтасвир ва рангтасвирда рассом бевосита композиция асосларига мурожаат қилади, унинг қонун-қоидаларини билмай туриб композиция, қаламтасвир, рангтасвир моҳиятини тушуниб етмайди.

Ушбу композиция ўқув қўлланмасининг мақсади тасвирий санъатнинг ривожланиш тарихи, бадиий ижоднинг асосий қонун қоидалари, воситалари ва уларни педагогика университетларининг Бадиий-графика факультетларида ўқитиш методлари ҳақида тавсиялар, тушунчалар беради. Шунинг учун рассом - ўқитувчиларни тайёрлашда композиция фанининг энг мураккаб ва муҳим фан сифатида ўрганиш тавсия этилади.

## I-БОБ. КОМПОЗИЦИЯ ТАРИХИ РИВОЖЛАНИШИГА ДОИР ҚИСҚАЧА ИЗОҲ.

Тасвирий санъатда композиция қонун ва қоидалари инсониятнининг ибтидоий тараққиёт давридан бошлаб шакллана бошлаган.

Ибтидоий давр одамлари ҳаётни зеҳн билан кузатсаларда, композиция сезгиси жуда бўш ривожланган. Бундай ҳолатни одам гавдаси ва ҳайвон подаларини тартибсиз, алоҳида тасвирида кўришимиз мумкин. (расм).



Қадимги шарқ санъатидаги композиция ибтидоий даврдан алоҳида фарқ қилади. Қадимги шарқда композиция мавзуси текисликда қатъий маълум тартибда тасвирланиб, қулдорлик жамиятнинг (маросимлари) қонунларига бўйсундирилган.

Қадимги миср санъатида композицияни дастлабки янги усуллари пайдо бўла бошлаган. Бу эса жамиятда ижтимоий ҳаётни онгли ривожланиши натижасидир. Тасвирга чизги, ўлчам, ранг ва тус муносабатлари юқори даражага кўтарилди.

Қадимги дунё рассомлари табиат яратган ўсимлик, барг ва гулларни тузилишида, йил фаслини кетма-кет келишида симметрия ва ритм тушунчаларини англаб, ўз ижодий асарларида, композицияда қўллай бошладилар. Шунинг учун қадимги греклар рельеф, фронтон композицияларида ритм ва симметриядан унумли фойдаланганлар. Уйғониш давригача



композиция фанига бағишланган бирор бир назарий қўлланма яратилмаган.

Уйғониш даври ренессанс инсониятта улуғ санъат алломаларини етказиб берди. Ўша давр рассомлари эсдалик, кундалик, илмий мақолаларида композиция ҳақида қимматли фикр, хулосаларини ёзиб қолдирдилар.

Эрта уйғониш даврининг вакиллари Джотто ва Мазаччо ўз ижодларида перспектива, пластик анатомия, геометрия қонунларини амалда қўллаб, композиция фанининг билимдони эканликларини мисолда кўрсатдилар. Юқори уйғониш даври рассомлари санъатнинг ҳар хил турларини бир-бири билан боғлаб, унинг назариясини илмий асослаган холда ривожлантирдилар.

Улар перспектива ёрдамида картинада чуқурлик, масофани тасвирини ҳаққоний намоён этишга эришишди.

Кўп йиллик кузатув ва анализ натижасида кўзга кўринган рассомларнинг асарларини ғоя тузилиши, ранг ечимидаги услуб, амалий тажрибаларини умумлаштириб Альберти "Ранг тасвир ҳақида уч китоб" илмий назарий мерос ёзиб қолдирди.

Леонардо да Винчи ва Альберти ўз мақолаларида ва бадиий асарларида статик (ҳаракатсиз) ва динамикага (ҳаракат) алоҳида аҳамият берган эди.

Француз рассоми Э. Делакруа ўз кундалик ва илмий мақолаларида Леонардо да Винчи, А. Дюрер, П. Рубенсларни композицияга оид қонунларини кенгайтириб чуқур маънолар бағишлаб давом эттирди.

Инсон қалбига Оллоҳдан инъом этилган гўзаллик ва қобилиятни ўзига мужассам эттан алломаларни ер юзига келишини инсоният бир неча бор гувоҳи бўлган. Леонардо да Винчини ҳар қандай мушкул ишларини осонлик билан уддасидан чиқадиган одил инсон шаклида кўрамиз.

Винчи шаҳридаги жаноб Пьеронинг ўғли Леонардо, шундай илоҳий куч-қудратта эга эдики, у бир неча ойлаб, математика билан шуғулланар, лирада мусиқа чалар, қўшиқ айтиб малакасини оширарди. Шундай бўлсада асосий қизиқиши бўлган расм чизиш ва ҳайкалтарошликни ташламади.

Худо берган бетакрор ақл-заковатли, хотираси кучли буюк аллома чизган тасвирлари билан инсонни ҳайратта солар, фикр-мулоҳаза кучи билан лол қолдирарди. У Милан шаҳрида Доминиканлик ака – укалар учун "Маҳфий кеча" номли гўзал асар яратди. Унда авлиёлар чеҳрасига ҳусн қўшиб, улуғвор қилиб тасвирланади. Фақат Инсусни юз қиёфасини тасвирлашда илоҳий қудрати етмайди чала қолдирган ва умрини охиригача

битира олмаган эди. Леонардо одам анатомиясини Галена таълимотига асосланган ҳолда чуқур ўрганди, мурдаларнинг суяк мускулларини перо ва қизил қаламда синчиклаб чиза бошлади ва одам анатомияси тасвирлари китобини яратди. У отлар анатомияси китобини ҳам яратган. Бу анатомияга оид чизгиларнинг кўп қисми Леанардонинг автопортретлари билан бир қаторда бизларгача етиб келган.

Леанардо Франческо дель Джокондо учун унинг хотини Лиза портретини 4 йил мобайнида ишлади, аммо шундай бўлсада портретни охирига етказаолмади. Портретда аёлнинг ҳамма гўзал ҳислат, фазилатлари, ярқираган нам кўзлари киприкларигача жонли одам нигоҳи кўринишида асосли қилиб тасвирлаган.

Тасвирий санъатда бундай тож асарнинг мавжудилгини дунёда энг қобилиятли, зеҳнли олим, аллома мусаввир қаламига мансуб бўлиши ҳалигача инсонларни беихтиёр ҳайратга солади.





XVI аср охирида композиция ўқув фани сифатида шакллана бошлади. Буни В. Неленг, С. Васидев каби методистларнинг Франция сафаридан сўнг ўқитиш тизими ҳақидаги ҳисоботлари орқали билиш мумкин. 1882 йили таниқли педагог – рассом Виолие Ле Дюкани «Тарихчининг тарихи» китоби рус тилига таржима қилган эди. Бу китоб шахсий иш тажрибасидан келиб чиқиб, тасвирий санъат ўқитиш методикасидан суҳбат тарзида берилган. Бу китобни «Сочинение» қисмида, ҳаёл, перспектива маълум қонунларга таянишини уқтириб ўтилган. Тасвирий санъатда композиция масалалари ҳақида дастлабки методик баённома муаллифи америкалик педагог –рассом А. Доуддир. Бу ўқув қўлланмада тасвирда ҳар хил шакл, тусларни қогоз ва матога тўгри жойлаштириш, қогоз ҳажми ва форматига алоҳида аҳамият берган. Тасвирий санъатда янги импрессионизм оқимининг пайдо бўлиши – рангтасвирда янгиланишга восита бўлди, санъатнинг олдинга ривожланишига туртки вазифасини ўтади. Импрессионистлар ранг политрасини бойитди. XX аср бошларида Ғарбий Европа давлатларида ва Россияда ҳар –хил бадиий оқимлар пайдо бўла бошлади: футуризм кубизм, экспрессионизм, дадаизм, сюреализмлар шулар жумласидандир.

Тартибсиз мулоҳаза, қарама - қарши фикрлар кураши тасвирий санъат ва композицияни ўқитиш методикасига чалкашлик ва таритибсизлик олиб кирди. XX асрнинг биринчи чорагида тасвирий санъат Ғарбий Европа ва Америкада берк кўчага кириб қолган эди.

Шу билан бирга кўп санъат мактабларида рассомлар реалистик санъат йўлида композиция назариясини ўрганишни давом эттирдилар. Россия тасвирий санъатида XVIII асргача икона рангтасвири тараққий этган. Энг қобилиятли рус иконачи рассомлардан бири Андрей Рублев эди. Унинг машҳур «Троица»си икона жанридаги қадимги классик композиция намуналаридан бири хисобланади. Композицияда бу рассом гавда ҳолатининг аниқ тасвири,ранг гармонияси ва яхлитлигига эришди.

XVIII аср Рус тасвирий санъатида, реалистик бадиий мактабнинг асосчилари А. П. Лосенко, Г. И. Угрюмовлар ҳисобланадилар.

Россияда Петербург Бадиий академиясини битирган А. Иванов. А. Егоров, В. Шебуев, А. Венециянов, К. Брюлловлар ўз ижодий ва педагоглик фаолиятларида композиция муаммоларига кўпроқ аҳамият бериб, тасвирий санъатни янги погонага кўтардилар.

1757 йили ташкил топган Петербург Бадиий академиясида мутахасислик фанларини ўқитишни мунтазам тарзда йўлга қўйилиши,Россия тасвирий санъатини ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Машҳур рассом ва педагог А. П. Лосенко ўз фаолиятида ижодий ёндошиб композиция масалалари устида ишлади. У ҳамма тасвирий воситалар асар гоясига, мазмунига қаратилган бўлишини таъкидлади.





Лосенко ўз вақтида академик таълим методини янгилашни англади ва янги услуб-методикасини ишлаб чиқди. Унинг яратган Академия ўқитиш назарияси XIXаср ўрталаригача давом этди. Лосенко давридаёқ Россия Бадиий Академияси довруғи ва обрўйи дунёга тарқалди. А. П. Лосенко юқори савияли композиция устаси эди. Буни «Владимир перед Рогнедой» картинаси мисолида кўриш мумкин.Лосенко дарс берган тарихий жанр классида картина тузилиши масалаларига кўп эътибор берилар эди.

П. И. Соколов, Г. И. Угрюмов, О. А. Кипренский,К. П. Брюллов каби улуг рассом педагоглар А. П. Лосенкода ўқиб таълим олдилар.

Лосенко бошлаган ишни ва Академиядаги педагогик фаолиятни Г. И. Козлов, П. И. Соколов ( 1782 й) давом эттирдилар.

Айниқса Угрюмов, Лосенко бошлаган тарихий жанр классида композицияни давом эттирди, унинг композиция назариясини мукаммаллаштирди.

Унинг ўқувчиларидан А. Иванов, А. Егоров, В. Шебуевлар ам устозининг услубларини давом эттирдилар.

Шундай қилиб рассом-педагог ва методистлар XVIII асрнинг оҳири ва XIX аср бошларида тасвирий санъат ва композицияни ўқув предмет сифатида рус бадиий мактабда ўқитилишни мумкилигини исботладилар. Бу йўналиш рангтасвир композицияси устаси К. Брюллов томонидан қўллаб қўвватланди.

К. Брюллов ўзининг педагогик ва ижодий фаолиятида гавданинг пластик тузилишига, асарда композиция мувозанатини ҳаққаний тасвирлашга аҳамият берди.

«Помпейнинг сўнги куни» асари бунга ёрқин мисол бўла олади. Асарда инсоннинг ҳаётда содир бўладиган хафли, фожиали драматик дақиқалардаги ҳолати, табиатда чақмоқ натижасидаги кучли ёруг нурлари остида бўлаётган таъсирчан воқеа контраст рангларда тасвирланган.

Одамлар кўзидаги қўрқинч, уларнинг гўзал нигоҳи, хатти ҳаракатлари, шижоатли оналар бадиий юксак маҳорат билан, юқори даражада жозибали тасвирланган. Брюллов бу асарида бадиий Академиянинг юксак анъаналарини давом эттирди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида илгор маърифатли рус рассомлари ташқи дунёни ҳаётда тўгри тасвирлаш учун кураш олиб бордилар. Реалистик санъатнинг ривожланишига

И.Н. Крамской бошлиқ сайёр рассомлар катта таъсир кўрсатдилар.

Асосан халқ манфаатини кўзлаб, ҳаётдаги муҳим воқеаларни кузатиб, ижод қилдилар, асар ғоясига катта аҳамият бердилар. Кўплаб рус рассомларининг устози

П.П.Чистяков мутахассислик фанларни ўқитишнинг янги тизимини яратди.

Реалистик санъатнинг буюк намоёндаси И.Е.Репин композицияни назарий ва амалий ривожланишига муҳим хисса қўшди. Шунингдек тарихий жанрда ҳар томонлама янги новаторлик воситалари билан В.Суриков рус рассомларига ўз таъсирини ўтказди.





У композиция эскизини бажаришга алоҳида аҳамият берди. Ўйлаган мавзу рассом тасаввурида тикланса у дарров қўлига қалам, кўмирқалам, мўйқалам олиб эскиз бажаришга киришарди. Айниқса «Боярина Морозова» картинаси учун, ўнлаб, юзлаб қаламлавҳа, ранглавҳа, эскизлар бажарган. У мавзуга оид бўлиб ўтган тарихий воқеаларни синчиклаб ўрганади.



XIX аср охири XX аср бошларида Россия санъатида ва ўқитиш тизимида илғор – прогрессив йўналиш билан бир қаторда реакцион кучлар таъсирида, буржуа фалсафасига тақлид қилган янгилик – «новизна» оқими ҳам пайдо бўла бошлади.

Маиший жанрдаги картина мазмуни, композициянинг бадиий юксак яхлитлиги аста – секин ўз кучини йўқота борди. Буюк педагог, рассом Д.Н.Кардовский буларга қарши муросасиз кураш олиб борди ва реализм позициясида туриб химоя қилди.

Д.Кардовский ҳам П.Чистяков каби тасвирий санъатдаги ардоқли педагог – рассомлардан эди.

В. Ефанов, Д.Шмаринов каби кўплаб Россия рассомлари унинг устахонасида яхши таълим олдилар.

Кўп йиллик педагогик фаолият мобайнида қаламтасвир ва композициядан мукаммал ўқув тизими шаклланди. Композиция ҳаёт ходисаларини образли акс эттирувчи восита бўлиб талабалардан маълум форматда, оддийдан мураккаб эскизлар бажаришга ўтиш принципларини қўйди. Кейинчалик композиция назарияси, амалиёти ва уларни ўқитиш методикасини асосий принципларини ишлаб чиқишда В.Фаворский, А.Дейнека, К.Юон, Е.Кибрик, А.Алпатов,

Г.Нисский, Ф.Решетников, Д. Шмаринов каби улуг рус рассомлари ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Буларнинг ичида К.Юон, А. Дейнека, Е. Кибрик, М. Алпатовларнинг қолдирган ижодий ва илмий назарияси тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли.

Композиция назарий асосларни ривожлантиришда салмоқли хисса қўшган рассомлардан яна бири Константин Юондир.

Улуг рассомларни асарлари мисолида композиция тузилишини таҳлил қилиб: контраст, вертикал, горизонтал, диоганал симметрия, ассиметрия, айлана, учбурчак, мувозанат, ритм яхлитлик, динамик, статик ҳолат, ёруг, ранг колорити, кўриш нуқтаси, горизонт, композиция плани, маҳобатлик, декоративлик каби тасвир услубларини кўрсатиб берди. К.Юон композицияни ўқитиш методикаси савиясини юқори даражага қўйиш керак деб ҳисобларди.

Ҳар хил мавзудаги композиция эскизини бажариш жараёнида хомаки тасвир, ёруг ва рангларни ҳар хил ҳолатида переспектива қоидаларини ишлата билишни тавсия қиларди. Ҳаёт тассуротларини, гавдани турли ҳолати, гуруҳ одамларни ҳаракатдаги кўриниши, типаж, либослар, хона, бино бурчакларидан чизгилар чизиб, улардан унумли фойдаланишни тавсия этарди.

Композиция масалаларидан такомиллиштиришга муносиб ҳисса қўшган буюк рассомлардан бири Е. Кибрикдир. У ўз асарлари билан графика санъатини юқори чўққиларига олиб чиққан санъат усталаридан биридир.

У ўзининг «Композиция масалаларига доир» (1961й) китобида композицияни тасвирий санътдаги объектив қонунларни, композицияни ўқитиш соҳасидаги методик қўлланмадаги камчиликларни уқтириб ўтди.

Композиция қонун- қоидаларини чуқур билиш, ижодкор онгига сайқал беради. Етук рассомларнинг ижодий тажрибасига ва композицияни ўқитиш услубиятига асосланиб Бадиий Академия томонидан 1960-64 йиллари нашр этилган 8 жилдли «Школа изобразительного искуства» номли методик қўлланма тасвирий санъат манбаини бойитди.





Тасвирий санъатда композицияни ривожлантириш тарихи билан танишиб, имконият даражасида мавжуд фанга тегишли маълумотларни тартибли равишда ўрганиб, композиция назарияси ҳақида хулосага эга бўлдик.

## II-БОБ. КОМПОЗИЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ.

Ҳар қандай ижодкор ўтмишдаги рангтасвир санъати усталари меросини ва тажрибаларини ўрганиш билан бирга, томошабинга чуқур таъсир этувчи тасвир , композиция қонун услубиятини ҳам ўрганади.

Амалиётда композициянинг зарур унсурлари мавжуд. Яхлитлик қонуни, ўхшатиш, контраст қонун воситалари мазмуни ва гояга бўйсиниш композициянинг асосий қонунлари ҳисбланади.

Бу қонуннинг белгилари Е. Кибрикнинг китобида тўла ва чуқур анализ қилиб берилган. Композицияда яхлитлик белгиси қонунига риоя қилинганлиги сабабли, санъат асари бўлинмас бир бутун бўлиб кўринади.

Композиция яхлитлигида композиция элементлари шакл, ҳажм, «доғ», оралиқ ҳарактер нусха, имо – ишора билан ифодаланади. Мисол тариқасида И.Репиннинг «Крестный ход в Курской губернии» картинаси бир қарашда яхлит «доғ» шаклида кўринади.

Композициядаги омма – ҳалойиқ тасвири диоганал жойлашган бўлиб, картинани тўрт бурчагини боглаб туради.

Картинада ниҳоятда кўп сонли ҳалойиқ жамоа тасвирланган бўлиб, ҳар бир кишш характери, салбий, ижобий образлар орқали ва синфий қарама - қаршиликлар, хулласи рус жамияти ўз ифодасини топган.

Композиция ҳақиқат қонуни – асосан учта белги билан ифодаланади. Биринчи белги бу бадиий асарда содир бўлаётган воқеанинг ўзига хослиги. А. Саврасовнинг «Қора қарғалар учиб келдилар», И. Левитанинг «Олтин куз», А. Куинджининг «Қайинзорда», А.Рыловнинг «Ҳаво ранг кенгликда» манзараларида мазмун, нафосат, билан бирга рус табиатини ўзига хос образи тасвирланган. Типизация қонунининг иккинчи белгиси – бу содир бўлаётган воқеа мавзуини, ҳаракат ҳолатини вақтини тасвирлайди.



Айниқса кўп фигурали композиция мавзудаги персонажларни ҳар хил ҳолатда акс эттирилган И. Репиннинг «Кутилмаган эди» асарида томошабин фақат персонажларни тасвирланган ҳолатини эмас, балки улар ҳибисдан қайтган эрини тасодиф кўришдан олдин нима иш билан банд, қандай ҳолатда эканлигини тасаввур қиладилар. Кекса онаси рояль чалишни тўхтатиб, креслони четга суриб, ўғлини қарши олишга ўгирилган.

Кейинчалик кутилмаган, учрашув, натижада қалбни тўлқинлантириб кўзлари қувонч ёшларига тўла ҳолатта айланади. Бу ерда бўлаётган кулминацион дақиқа ҳаётий воқеани мавзу билан боғловчи ҳаракатдаги воситадир. Ю. Пименев «Янги Москва», «Эртанги кўчаларда тўй» асарида кўз олдимизда ўзгараётган ҳаракатдаги замонавий шаҳар ҳаётини кўрсатган. Тўй маросимини йўналишида келажак ҳаётга шаҳдам қадам ташлаётган халқларнинг ҳолатидир. Типизация қонунинг учинчи белгиси бу – янгиликдир.

Реалистик санъат ҳақиқатни тўғри ифода этиб қолмай, рассом ҳис туйғуларини, эстетик гўзалликни, тасаввурни жозибали тараннум этади.

Бадиий образдаги эстетик сифатлар, композиция ечимидаги янгиликлар рассом томонидан кашф этилади.



Эстетик кашфиётларни Микеланжело, Тициан, Рембранатнинг ўлмас асарларида, А. Дейнека, А. Пластов, К.Юон Асарларида композиция тузилишининг бадиий воситаларидан мавзуда янгилик тушунчасини кўрамиз. «Новизна» - янгилик оқимини биз А. Куинджининг «Қайинзорлар», В.Поленовнинг «Москвадаги ҳовли», манзарасида кўрамиз.

Композициянинг асосий қонунларидан бири контрастлик қонунидир. Леонардо да Винчи «Рангтасвир қонунлари» илмий асарида ўлчам қарама - қаршилиги ҳақида, катта – кичик, паст – баланд, юпқа - қалин, характер, фактура, материаллар контрасти тўғрисида ёзади. Микеланжело текисликдаги ҳажм контрастларига кўп аҳамият беради. Инсон предметлар шаклини фақат соя ва ёруғ контрастик орқали сезади ва ўз онгига сингдиради.

Портрет жанрида рассомлар қадимдан «тон контрасти»дан фойдаланиб, ёруғ фигурани тасвирлашда тўқ фондан фойдаланганлар. XIX асарда санъат усталари портретни ёруг фонда тасвирлай бошладилар. В. Серовнинг «Шафтолилик қиз» портретида, юзи тўқ тусдаги қиз, енгил ёруғ дераза фонида тасвирланган.

Рангтасвирда контраст қарама – қарши иссиқ ва совуқ ранглар мавжуд. Қарама - қарши ранглар бир – бирига ёнма – ён турса, ранглар кучи кўпаяди: Қизил – яшил, кўк – зарғалдоқ, оқ - қора ва ҳакозо.



Композициянинг тузилишида «Психологик контрастлар» ҳам мавжуд. Иогансоннинг «Эски Урал заводида» картинасида ерга энгашиб ўтирган ишчини янги қимматбаҳо либосда туриб, синчиклаб кузатаётган фабрика эгасига қарама – қаршилик қонуни кучли тасвирлаб берилган.

## § 1. КОМПОЗИЦИЯНИНГ ҚОИДА, УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ.

Санъат асарларини тахлил қилганимизда, композиция қоида ва усуллари ўз моҳиятини аста – секин йўқотиб, янги композиция қоидалари пайдо бўла бошлади. Бадиий асар яратишда рассомлар табиий ва онгли равишда композиция қонунларига риоя қилишади. Ҳар бир ижтимоий – жамият санъат олдида янги замонавий вазифаларни кўндаланг қўяди.

Ҳозирги вақтда биз композицияни назарий асосларини икки гуруҳга ажратамиз. 1. Композиция қонунлари. 2. Композиция қоида ва усуллари.

## § 2. КОМПОЗИЦИЯ ТУЗИЛИШНИНГ УСУЛЛАРИ (ЙЎЛЛАРИ).

Композициянинг асосий усулларидан бири ритмни ифодалаш, композиция мавзуси марказини аниқлаш, симметрик ёки ассиметрик ҳолати, массани иккинчи пландаги кенгликдаги асосий қурилмасини жойлаштириш.

Ритм ҳаётда ва санъатда мавжудлиги рассом учун яхши белги, воситадир. У бир элементни оралиқда галма–гал қайтарилишидир. Асар гоясини композиция тузилишини идрок этишда ритм эстетик образли тасаввур ролини ўйнайди ва контраст ранг, тон қонунларига суянади.

## § 3. КОМПОЗИЦИЯ УСУЛЛАРИ.

Узоқ кенгликни очиқ манзарада горизонтал холатда тасвирланса, кенглик бепаён, катта бўлиб туюлади.

В. Мешковнинг «Урал хақида ўйлар» манзараси жуда горизонтал узун форматда жойлаштириб тасвирланган.

Кўп планли манзарани орқасида ўрмонзор тасвирланган. Олдинги ва орқа пландаги контраст ёрқин ранглар, енгил уфқ чизиги масофани, бепаён кенгликни акс эттиради.



Композицияни горизонтал усулда ифодалашда тинч, осойишталик ҳолатини сезамиз.

Композицияни паралел, вертикал йўналишда бўлиши тантанали улугвор, кўтаринки рух ҳолатини англатади. Бунга Л. Абдуллаеванинг «Қўриқ ер очувчилар», картинаси мисол бўлиши мумкин. Диоганал йўналиши эса ҳаракат ҳолатини кучайиши ёки сусайишини кўрсатади. В. Суриковнинг «Боярыня Морозова» картинасида чананинг ҳаракатдаги йўналиши, чопиб бораётган бола, ҳаяжон билан кузатиб турган турли либосдаги ҳалойиқ – омма пастки ўнг бурчакдан, юқори – чапбурчакка диоганал йўналишида тасвирланган.

Асарда ҳаракат йўналишини ўнгдан чапга сусайган ҳолати масофани чуқурлигини ифодалашга имконият беради.

## § 4. КОМПОЗИЦИЯ ВОСИТАЛАРИ.

Чизиқ, штрих, рангли ва тусли доғ (суртма) соя – ёруг, ранг, чизиқли, ҳаво ва ранг преспективалари композициянинг воситаларидир.

Чизиқни эса тасвирий санъатнинг асосий воситаларидан бири дейиш мумкин. Ундан узоқ муддатли, қисқа муддатли композиция эскизларида фойдаланилади. Рассом қогоз юзасида предмет шаклини очроқ, тўқроқ чизиқлар орқали ифодалаши мумкин.

Композиция амалда дастлаб қаламтасвирда бажарилади. Кейинги босқичда штрих чизиқларни қалинлиги орқали предметларни соя, ёруг жойларига шакл бериб, чуқурлик, масофани ифодалашга беради.

Ранг ва тус композиция тузишда муҳим роль ўйнайди. Асарда пластик ҳажм, чизиқли, ҳавойи, рангли перспекваларни роли каттадир.

Юқорида биз композициянинг асосий воситаларни қайд қилиб ўтдик.

Композиция курсининг асосий вазифаси талабаларда ижодий фикрлашни, санъатни идрок этишни ва тахлил қилишни, ҳаётни кузатиш ва образли тасаввур этиш, бадиий эстетик дид ва маданиятни шакллантириш, уларни бадиий – педагогик фаолиятига тадбиқ қилишдир.

Композиция амалий ҳамда назарий қисмдан иборат.

Назарий маърузалар аудиториядаги амалий машгулотларни, уй вазифаларини онгли равишда бажаришни талаб этади. Кириш қисмида композициянинг асосий қонун – қоидалари, усул ва воситаларини ўз ичига олади. Тасвирий санъатни жанр турларидаги композицияни ўзига хос

муаммоларини, санъат асарида мавжуд қонун талабларини ифодалайди.

Композиция назариясидаги билимларни чуқур ўзлаштиришда, махсус семинарларни аҳамияти катта. Булардан ташқари талабаларни мавзулар асосида реферат ёзиб маърузалар билан чиқишлари, уларни муҳокама қилиш яхши натижа беради.

Амалий қисмида асосий мақсад талабаларада ижодий қобилиятни шаклланишига, ҳаётни кузатиш, уни тасвирий воситалар билан акс эттириш, босқичма – босқич эскизини охиригача етказишдан иборатдир.

Амалий машғулотларда композиция эскизини мазмун ғоясини мақсад ва вазифаларини онгли равишда идрок этиш муҳимдир.

Бажарилган амалий вазифаларни камчилик ва сабабларини муҳокама қилиб тушунтириб ижодий фикрлашни шакллантириш лозим.

Санъат музейлари, бадиий кўргазма залларига, экскурсия, етук рассомлар билан учрашувлар ташкил этиш, улар билан суҳбатлар ўтказиш, талабаларда бадиий дидни бойитади.

Берилган мавзу бўйича энг «яхши композиция эскизи учун» талабалар ўртасида конкурс эълон қилиб яхши эскизлардан кўргазмалар ташкил қилиш, голибларни рағбатлантириш ижодий самара беради.

Бу юқорида санаб ўтилган тасвирий санъат турларининг ҳар бири ижодкор танлаган воқейликни, мавзуни ўзига хос воситаларда, бадиий тилда тасвирлайди. Бу санъат турлари ичида энг кенг тарқалгани нафис тасвир санъатидир.

Нафис тасвирий санъат – тасвирий санъатнинг бир туридир. Рассом бўёқлар ва махсус усуллар ёрдамида жисм ҳажмни тасвирлайди.

Нафис тасвирий санъат бешта элементлардан иборатдир. Бу элементлар буюм шаклини, рангини тушаётган ёруғни, ясалган материалини, тасвирланаётган предметни қандай шароитда ва муҳитда эканини тасвирлашда номоён бўлади.

Тасвирий санъатда бир неча жанрлар мавжуд: тарихий, жанг манзараларини акс эттирувчи жанр, маиший жанр, портрет, манзара, натрюмортдир. Ҳар қандай санъат асарининг негизини композиция ташкил этади. Натрюморт тузиш бу ижодий жараён. Унда рассомнинг диди, лаёқати, композицион маданияти, билим савияси намоён бўлади.

Натюрморт (луғавий маъноси– жонсиз табиат) ҳақида гапирганда, одатда, сабзавот – мевалар, гуллар, қотирилган



илвасинлар, (муляж) уй рўзгор буюмларни тасвирни кўзда тутадилар.

Лекин натюрмортда жонсиз табиат тасвирланганига қарамай, матода жонли ҳаёт нафасини сезамиз. Натюрморт композициясини маъноли ва таъсирчан чиқиши учун ягона мавзудаги бир – бирига муносиб ва мос нарсалар табиий боғланишда қўйилиши керак. Қўйилган натюрморт кишида қизиқиш ва расм чизишга ҳавас ҳиссини уйғотадиган бўлиши ва албатта композиция талабларига жавоб берадиган бўлиши лозим. Натюрморт таркибига кирадиган нарсалар эстетик таъсирчанлик талабларига жавоб берадиган, шакли, ҳажми, материали, сирти (фактураси) ранг ва оч – тўқлиги (тус) билан бир – биридан фарқ қилиши керак.

Масалан, катта челак ёнига қўйилган гугурт қутичасини кўз илғамайди, чунки улар ўртасида узвий боғланиш сезилмайди. Танлаб олинган нарсаларни предмет текислигида бир – бирига нисбатан қандай жойлаштирилиши натюрмортни қизиқарли чиқишига таъсир этади.

Шарден, Сурбаран, Калф, Снайдерс К.Коровин, И. Машков, П. Кончаловский ва бошқа натюрмортнафис рассомлар асарларида ҳаётий хақиқатни, матода жонланган табиатни кўрамиз.



Шарденнинг «пиёзли натрюморти» да стол устидаги кўк пиёзни чўзиқ шакли сурат композициясини чўзиқ бўлишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.(расм).

Шакли жиҳатдан унга зид нарсалар излаб, Шарден шарсимон олмаларни, овалсимон тухумларни ва рўзғорда зарур бўлган буюмларни, мис, қоғоз, сопол ва шиша идишларни танлаган.

Рассом атайлаб шакл ўлчами, материали бир – биридан фарқ қиладиган нарсалар танлашда табиатни ўзига хос, нарсаларнинг ранг- баранг ва турли – туманлиги қиёс қилган. Бир қарашда бу натюрморт мазмун жаҳатидан жуда, содда кўринади. Рассом турмушда зарур нарсалардан бир нечасини олган ҳалос. Мазмунан бир – бирига монанд нарсалардан танлаб олганидан кейин, улардан шундай бир яхлит гуруҳ ташкил қилиш керакки, у кишида қизиқиш уйғотсин, диққатини ўзига тортиб, албатта унинг тасвирини яратиш иштиёқини ҳосил қилсин.

Шарден натрюморт тузиш танлаган нарсалар –мис қозон, сопол чўмич, яшил рагли шиша идиш, кўк пиёз бошлари , иккита олма ва иккита тухумдан иборат.

Булар улкан мўйқалам соҳибининг юксак таланти, табиатнинг беқиёс бойлигини кўра олиши ва тўғри идрок қилишини натижасидир.

Натюрмортнинг композицион муайянлиги уни табиийлигидир. Шунинг учун натрюморт тузиш, уни ўрнатиш, вақтида яхлитликка эътибор бериб, ниҳоясига етказишга ҳаракат қилиш лозим.

Бунинг учун эса классик намуналарни кўплаб таҳлил қилиб, у ёки бу асар инсонга нима учун шунчалик таъсир этади, завқини келтиради, деган саволларга жавоб излаш фойдалидир. Натюрмортнинг манзара ёки интерьерга нисбатан афзаллиги яна шундаки, уни қўйиб олгандан кейин бир неча кун жойидан қўзғатмасдан ҳар –хил қараш нуқталаридан қайта – қайта тасвирлаш мумкин.

Натюрмортнинг атрофимиздаги табиатдан фарқи шундаки, уни инсон ижод қилиш ёки ўрганиш мақсадида ўзи яна тузади, тафаккури билан барпо этади.

Ўқув натюрмортнинг композицияси бир томондан эстетик талабларига, иккинчи томондан таълимнинг дидактик талабларига жавоб бериш керак.

Натюрморт қўйилмаси пухта ва узоқ вақт ўйлаб, мулоҳаза қилиб ташкил этилади. Унга кўп нарса киртилмасада предметларнинг шакл ва ранглари ҳар – хил бўлишига эътибор бериш керак.

Силлиқ ялтироқ сиртли идишни, сирти жилвасиз нарса билан, қиррали буюмни думалоқ шакл билан ёнма – ён



қўйилса, уларни таққослаш ва синчиклаб ўрганиш учун имконият туғилади.

Натюрмортнинг асосий талабларидан бири ўлчам, ранг ва тон жиҳатидан ажралиб туриши, ҳамда сурат текслигининг марказига яқин жойга қўя билишдир.

Бу сурат мазмунини очишда, сўзбошловчи вазифасини ўтайди, композициянинг марказини бўрттириб кўрсатиб беради. Кўпинча рассомлар асосий предметни атайлаб марказдан сал силжитиб қўядиларда мувозанатни сақлаш учун қарама – қарши томонда ранг ва оч тўқлиги унга зид бўлган передмет оладилар.

Атоқли натюрморт нафислар Сезан, Шарден, Хруцскийлар бу усулдан унумли фойдаланганлар.

Натюрморт жанрида Ўзбекистонлик рассомлардан В.Уфимцев, С. Колибанов, Ю. Елизаров, Р. Ахмедов кабилар ўз асарларида табиатни беқиёс бойлигини миллий руҳда жозибали тараннум этдилар.



Ўқув натюрмортининг муҳим томонларидан яна бири шундаки тасвирланаётган нарсаларнинг фазовий жойлашишидир. Қўйилмага кирадиган нарсалардан каттаси орқарокда, майдалари олдинроқда, бири иккинчисининг ва асосий нарсани бир оз беркитиб турадиган қилиб қўйилади.

Натюрмортдаги нарсаларни мазмунан бир – бирига боғлаш мақсадида унга чўзиқроқ шаклидаги нарса киритилади.

Сурат текслигининг асосидан композиция марказига қаратиб қўйилган пичоқ, қошиқ, қоғоз ўрами, мўйқалам ва ҳокозолар сурат мазмунини очишга ёрдам берадиган «калит» бўлиб, томашабин нигоҳини композиция марказига йўналтиради. Натрюмортнинг фазовий ҳолатини яққолроқ тасвирлаш учун биринчи планда унга катта бўлмаган, аммо ёрқин нарса қўйилади.

Натюрмортнинг уфқ чизигига нисбатан қандай жойлашиши ҳам катта аҳамиятга эга. Маълумки, кўз баландлигидан пастроқда қўйилган натюрморт предмет текслигида тўла – тўкис кўриниб туради, нарсаларнинг асослари, уларнинг ўзаро жойлашиши яққол кўринади ва тасвирлашда қулай бўлади. Нарсаларнинг шаклини ва фазовий жойлашувини тўлароқ очиб бериш учун ёруғлик нурлари олд томонидан ёки ёндан тушадиган бўлиши керак. Табиий ёруғликнинг кучи етарли бўлмаса, натюрмортнинг ён томонига сунъий ёриттич қўйилади. Шунда олдинги нарсаларда ёруғ соя контрасти кескин бўлиб, уларнинг ҳажмдорлиги бўртиб кўзга ташланади, сиртлари, яққол кўринади. Иккинчи пландаги нарсаларда эса зиддият камроқ сезилади. Нурларнинг кучи камайиб борган сари учинчи пландаги нарсалардаги қарама - қаршилик яна ҳам майинлашади, уларнинг чегаралари фоннинг тўқ жойлари билан умумлашиб кўринади. Лекин натюрморт буёқларда тасвирланадиган бўлса, уни дераза яқинига кундузги табиий нурлар остида ва бироз ёнбощдан ёруғлик тушадиган қилиб қўйилгани маъқул.

Вазифа натрюмортдаги нарсаларнинг асл (локал) рангларини аниқлашдан иборат бўлганда, у дераза рўпарасидаги девор ёнига қўйилади. Бунда натрюмортга нурлар олд томондан тушади, соя ва рефлекслар унчалик кўп бўлмайди ва предметларнинг ўз ранги яққол, очиқ – ойдин кўринади.

Аввалига фон учун танланадиган газламалар яхлит, сидирга ва нурсизроқ бўлгани маъқул, чунки олачипор ёрқин рангли газлама кўзга аниқ ташланиб, натюрмортнинг асосий буюмларини кўришга халақит беради. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки оч фонда қорамтир нарсалар, тўқ фонда эса, аксинча оқ нарсалар равшан кўринади.

Кейинчалиқ натюрмортта композициянинг таркибий қисмларидан бири сифатида бурмали матолар (драпировка) киритилади.

Орқа фонга ва предмет столига солинадиган газламанинг (чит, суруп, шойи, баҳмал, мовут) характерига мос ҳолда майда ва йирик бурмалар қилиб қўйиш мумукин.



Газлама девордаги битта нуқтага бириктириб қўйилса у пастга эркин осилиб тушади ва табиий шаклдаги бурма ҳосил қилади.

Юқорида айтганимиздан маълум бўладики, натюрморт постановкасини қўйиш жиддий ва маъсулиятли ишдир. Яхши қўйилган натюрмортда ортиқча тасодифий нарсалар бўлмайди, уни олд ёки ён томонидаги қараш нуқталаридан кузатилганда, мазмунли яхлит гурух бўлиб кўзга яққол ташланиб туради.

Уқув натюрмортдан ижодий натюрмортни фарқи шундаки, у ҳаётга яқин бўлади ҳамда кўп маънони англатади.

Мисол тариқасида В. Уфимцевнинг «Гармонь» (1945й)



Ғ. Абдураҳмоновнинг «Самоварли натюрморти»ни оламиз. «Гармонь» натюрмортида жангчининг кундалик «поход» анжомлари автомат, маҳоркали ҳалта, газета, мис косача, буюм тўрва ва жангчининг ҳамроҳи –гармонь тасвирланган. Бу натюрморт ўзида одам иштирокини билдириб эслатиб туради. «Самоварли натюрморт»да эса мавзу композиция тузилишига монанд олинган. Ёруғ миллий сўзана фонида қўйилган катта ҳажмдаги самовар ва стол устидаги лаганда сўйилган қовун – тарвузлар, нон, олма- анорлар ҳамда уларнинг текисликда композиция жиҳатидан бадиий ифодали жойлашиши томошабинни бефарқ қолдирмайди. Меҳмондўст ўзбек

халқининг инсонларга сахийлиги тушунчаси табиат иномлари орқали уз аксини топган.

Шундай қилиб, натюрморт тузиш учун қуйидаги омиллар зарур:

А) мавзу танлаш;

Б) натюрморт мавзусига мос келадиган жиҳозлар, предметлар, газламалар топиш;

В)нарсаларнинг шакли, тузилиши, туси ва рангларини ҳисобга олиб жойлаштириш;

Г) предметларнинг ҳажмдорлигини яққол кўринадиган тарзда ёритиш – зарур экан.

Шуларнинг ҳаммаси биргаликда олинганда натюрморт композицияси (қўйилмаси) деб юритилади.

## § 5. ИНТЕРЬЕР КОМПОЗИЦИЯСИ.

Тасвирий санъатда интерьерни тасвирлаш қизиқарли мавзулардан биридир. Тарихий, маиший ва замонавий мавзудаги бадиий асарларда интерьер фон тариқасида ҳам ишлатилиши мумкин.

Интерьер ҳолати орқали хонадон соҳибининг диди ҳақида, ёки завод цехини жиҳозланганига қараб илмий тараққиёт ҳолати ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин.

Уйни эшик деразаларнинг шакли, ҳажми, девор ва шифт, полни безаги ва уй жиҳозларининг безаги тасвири орқали қайси даврга мансублигини билиб олишимиз мумкин. Театрдаги интерьер ҳар томонлама ички жиҳозлари билан эстетик жиҳатдан завод цехидан фарқ қилади.

Заводнинг металл қуйиш цехини кўз олдимизга келтирайлик.

Катта цех полига ётқизилган катта ҳажмдаги плиталар, рельсда ҳаракат қилаётган огир кранлар, кумушсимон тутун орасидан цехга тушаётган сунъий ёруг ёнидаги металл пишириқ қозондан кўринаётган қизил лава ва кўк тутун каби ҳолати ўзини ҳаётий гўзаллиги билан рассомни беихтиёр ўзига тортади.

Интерьер мавзусида ҳаётнинг турли босқичларида кўплаб рассомлар ижод қилишган уларнинг асарлари орқали ўша даврдаги қишлоқ уйлари, саройларни ички интерьерлари орқали қандай ҳолатда бўлганини биламиз. Кўплаб шундай реалистик санъат асарларида ёзувчи олимларнинг, жамоат арбобларининг хоналари тасвирланган.

Рассомлардан А. Венециановнининг, «А. Некрасов портрети»даги интерьер, И. Крамскойнинг «Арка тагидаги



хона», И.Репининг «Л. Толстой иш устида» ишларини айтиб ўтишимиз мумкин.



И. Репиннинг «Кутмаган эдилар» картинасидаги интерьерда XIX асрнинг 80 – йиллари илгор зиёлиларнинг типик турмуш – тарзи кўрсатилган.

Натюрмортга нисбатан интерьерда чизиқ ва ҳаво переспективасининг ҳамма қонунларига риоя қилинади. Хонани ички кўриниши натюрмортга нисбатан, ҳар хил баландликда ва масофада жойлашган кўп предметлар горизонтал пол ва вертикал девор текслигида жойлашгани билан фарқ қилади. (мебель, дераза, картина).

Интерьер композициясига хонанинг, предметларнинг констркуцияси преспектива қисқариши таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда соя –ёруг шароитларига қараб тус ва «контраст» ранг ечими устида машгулот бажарилади.

Интерьерда одам фигураси иштирокисиз ҳам мавзуни чуқур ифода этиш мумкин. Мисол учун «Мактаб кутубхонаси», «Спорт зали» каби композиция мавзулари бўлиши мумкин. Ундан ташқари «Рассом устахонаси», «Бувим хужраси»,



«Машина устахона» каби созловчи мавзулар якунловчи вазифа сифатида берилиши мумкин.

Ҳар иккаласида ҳам дастлаб интерьердаги мавжуд предметларни синчиклаб ўрганиб, хомаки чизги лавҳалар бажариб, интерьер композициясини тузиш мақсадга мувофиқдир.

## § 6. МАНЗАРА КОМПОЗИЦИЯСИ.

Манзара – тасвирий санъатнинг қадимий жанрларидан бўлиб, тарихий маиший асарларда ҳам восита- фон сифатида муҳим роль ўйнайди. Қадимий хитой санъатида рассомлар табиатни акс эттирувчи асарлар яратганлар.

Европада манзара жанри тарихи XVI – XVII асрларда тараққий этди.

Голландия манзарачи рассомлари табиатни ўхшатиб ҳаққоний тасвирлашда катта муваффақиятларга эришдилар.

Россияда манзара жанрининг ривожланиши XVIII асрга тўғри келади. Москва, Петербург архитектура ёдгорликлари Ф.Э. Алексеев томонидан маҳорат билан тасвирланган.

Манзара санъати ташқи дунёнинг гўзаллигини акс эттириш билан инсонга ижобий таъсир этувчи кучга эга. Шунинг учун рассом табиат оламини энг нозик, типик



ҳолатларини, ранг гармонияларини англаб, табиатга нисбатан бўлган эстетик муносабатини билдиради.

Манзара асарида инсон шахси, ақл заковатини, ички туйғуларини тасвир орқали қўшиқ қилиб куйлайди ва табиат образини яратади. Мисол тариқасида И.Левитаннинг «Олтин куз», «Абадий сокунлик узра»,И.Шишкиннинг , «Ўрмон йироқликлари», В.Мешковнинг «Урал ҳақида ўйлар» асарларини келтириш мумкин.

Тасвирий санъатдаги манзара жанрига оид асарлари инсонда табиатга муҳаббат ва гўзаллик фазилатларини шакллантиради.

Рассомлар тарихий ва маиший мавзудаги асарларда бевосита манзарага ҳам мурожат қиладилар, этюд, эскизлар ёзадилар. Бу ҳолда манзара картинада қўшимча фон вазифасини ўтайди.

В. Васнецовнинг «Алёнушка» асари бунга мисол бўла олади. Табиий гўзалигини, замонасига хос янгилик ўзгаришларни К. Юон, Г. Нисский каби рассомлар ҳам ўз асарларида тасвирлаб намойиш этдилар.

50-70 йилларда Ўзбекистонда манзара жанрида ижод этган рассомлар У. Тансиқбоев «Иссиқ кўл», «Она ўлка», Қайроққум сув омбори, Н. Қорахон «Нанай йўли», Сижжакда баҳор, Р. Темуров Самарқанд архитектура манзаралари туркумини яратдилар.



70-80 йилларда Г. Абдураҳмонов, Ф.Тохиров, Р. Чориев, К.Богодухов, М.Есин, Пудовкин каби рассомлар манзара жанрида самарали ижод қилдилар. Ҳозирги вақтда кўплаб изланувчи иқтидорли рассомлар, А. Нуритдинов, О.Қозоқов, З. Исломшиков, А. Мўминов, А. Мирсоатов кабилар мустақил Ўзбекистон гўзал табиатини мадҳ этувчи мафтункор манзараларни яратиб келмоқдалар.



Манзаранинг бир неча турлари мавжуд:

Шаҳар (Архитектура), қишлоқ (тоғ) манзара, саноат (завод, фабрика, иншоат қурилиш), тарихий, романтик, лирик, панорама (кўринишида) манзаралари шулар жумласидандир.

Буларни ҳар бири негизида ифодаловчи мазмун, гоя ётади. Шаҳар манзарасида шаҳар ҳаёти билан боғлиқ, архитектура, транспорт воситалари, одамлар, оромгоҳ боғлар ҳамда ер ости ўтиш жойлари композиция тасвири учун мисол бўла олади.

Қишлоқ манзараси, бепаён кенглик, тог манзараси, яйловлар, қоя тош, ўсимликлар, водийдаги жилвакор сувлар тасвири композиция негизини ташкил этади. Саноат манзараси катта завод ҳовлиси, сув омбори, кўприк, метро қурилиши, техника қурилиш воситалари билан боғланган.

Лирик манзарада табиатни «Эрта тонг», «Баҳор» каби мавзудаги табиатни нозик, сокин гўзаллигини, унинг уйғониш ҳолатини акс эттирувчи, инсонга олам – олам қувонч бахш этувчи асарни кўз олдимизга келтирамиз. Манзаранинг композиция воситалари (белгилари): жойни танлаш, кўриш нуқтаси, кўриш чизиги, фазовий масофа, формат, перспектива,



ритм, колорит, ёруг, рефлекс, композиция маркази шулар жумласидандир.

Бу жанрда композиция яратиш учун, қаламтасвир рангтасвир соҳаларида мукаммал билимга эга бўлиш керак. Натурадан дастлабки чизилган чизги рангли этюдлар манзара композициясини тузишда асосий мавзу бўлиши мумкин. Қишлоқ манзарасини композициясини тасвирламоқчи бўлсак аввал табиатда қуёшли, булутли кунлар,, пешин, оқшом ҳолатини ҳарактерли хусусиятларни синчиклаб кузатиш лозим.

Форматни аниқлаб, уфқ чизиги, кўриш нуқтасини белгилаб олиш керак. Сўнгра ҳаво ва ерни текисликда нисбатларни белгилаб, олдинги, кейинги,орқа планни ва предметлар масштабини топиш даркор. Композицияни бир неча вариантларини сангина, кўмир каби юмшоқ материалларда бажариш тавсия этилади.

Бажарилган хомаки эскиз вариантини рангда тасвирлаш асар колоритни аниқлашга ёрдам беради.

Сифатли бажарилган эскиз асосида манзара композицияни якуний нусҳасини амалда бажариш керак. Уни қогоз, картон, холст, акварель, гуашь, мойбўёқ орқали амалга оширилади.

Бўлажак рассом учун ҳаётни кузатиш, мавзу юзасидан кундалик қаламчизги ва этюдларни бажариш машқларни қилишга киришса мақсадга мувофиқ иш бўлади.

Манзара жанридаги асарлар инсон учун маънавий озиқа беради, уни руҳлантиради, ҳаётта шодлик ва қувонч бағишлайди.

## § 7. ПОРТРЕТ КОМПОЗИЦИЯСИ.

Портрет – инсон образини тасвирий санъатда яратишда энг мураккаб жанр ҳисобланади. Маълумки ҳар бир даврнинг уста рассомлари бўлган. Улар портрет асарларида замондош – ларининг гўзал қиёфасии образларини яратиб, кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирган.

Уйғониш даврининг буюк номоёндаси Ленардо даВинчининг «Автопортрет», «Джаконда» асари, Веласкеснинг «Папа Инокентий Х» портрети, шулар жумласидандир.

Голландиялик рассом Рембрант каби кўпгина Европа рассомлари ҳам ажойиб портретларни яратиб ном қозонди. Бу портретлар маҳоратли ишланганлиги ва мафтункорлиги билан инсонни ўзига ром қилиб олади.

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб,ижод қилган буюк рус рассомлари О.Кипренский, В.Тропинин,А.Венециановлар рус портрет санъатининг асосчилари бўлдилар.



Улар XVIII аср портретчилик ананасини давом эттириб, инсонни тасвирлашга яна ҳам зўр эътибор билан қарадилар, инсон психологиясига катта аҳамият бердилар ва рассомчилик махоратини оширдилар.

О.А. Кипренскийнинг портрет санъатидаги муваффақияти шундаки, рассом ўз замондошларини портретларида даставвал инсонинг гўзал маънавий дунёсини, қадр - қийматини, унинг орзу - ўйларини, кечинмаларини тасвирлади. У қатор асарларни, шу жумладан ижоднинг чўққиси бўлган А.С.Пушкин (1827) портретини яратди.

Улар XVIII аср портретчилик ананасини давом эттириб, инсонни тасвирлашга яна ҳам зўр эътибор билан қарадилар, инсон психологиясига катта аҳамият бердилар ва рассомчилик махоратини оширдилар.

О.А. Кипренскийнинг портрет санъатидаги муваффақияти шундаки, рассом ўз замондошларини портретларида даставвал инсонинг гўзал маънавий дунёсини, қадр - қийматини, унинг орзу - ўйларини, кечинмаларини тасвирлади. У қатор асарларни, шу жумладан ижоднинг чўққиси бўлган А.С.Пушкин (1827) портретини яратди.

Таниқли шоир сиймоси бу портретда ҳар жиҳатдан чуқур ва мукаммал очиб берилган.

Асарда шоирнинг ташқи қиёфаси билан бирга, ундаги руҳий кўтаринкилик, битмас - туганмас ижодий илҳом соҳиби эканлиги жуда моҳирона тасвирланган.

Унинг замондошларидан бири В.Тропинин бизгача асосан «Пушкин», «Гитарачи», «Багратион» портретлари муаллифи сифатида танилган. Унинг 1823 йилда яратган «Тўр тўқувчи қиз» портрети истараси иссиқ, ёқимли шаҳло кўз қиз қиёфасини акс эттиради.



Уларнинг издошларидан бири А. Венециановдир. У биринчи бўлиб санъатга деҳқон образларини олиб кирди ва биринчи бўлиб табиатнинг поэтик образини яратди.

20 йилларда яратган «Ёз», «Экинзорда» асарида гўзал табиат ва инсон образини, деҳқонларнинг меҳнат жараёнини ифодалаб уйгунлаштириб берган. У «Захарка» портретида меҳнаткаш болани ички дунёсини очиб берган.

XIX асарда реалистик портрет соҳасида Н.Крамской, И. Репин,В.Васнецов, В.Серов каби улуг рус рассомлар ижод қиладилар. Н.Крамскойнинг Н.Некрасов,П.Третьяков, Л.Толстой, И.Репиннинг Стасов, Мусоргский портретлари бунга ёрқин мисол бўла олади.



XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек портрет санъати юксалиб ривожланди. Портрет соҳасида Лутфулла Абдуллаев, Абдулхақ Абдуллаев, Рахим Ахмедов, Малик Набиевлар самарали ижод қилиб келмоқдалар. Лутфулла Абдуллаевнинг «Мулла тўйчи Тошмухамедов», «Йўлдош Охунбобоев» портретлари реалистик ананаларда моҳирона тасвирланган.

Абдулхақ Абдуллаев биринчи ўзбек портретчи рассомлардан бири бўлиб, портрет соҳасида салмоқли ижод қилди. У ўз замондошлари, зиёлиларни, олимларни адабиёт ва санъат намоёндаларини портрет галлереясини яратиб катта мувафаққиятларга эришди.

«Аброр Хидоятов Отелло ролида» , ёзувчи «Ойбек» портрети муаллифининг шоҳ асарларидан бўлиб, Отеллони ўйчан боқиши, гавда харакати портретга романтик кўтаринкилик руҳини бахш этган. Унда юз ифодаси психологик ҳолати мохирона тасвирланган.

Ойбек портретида шоир сиймоси композиция жиҳатидан жуда чуқур ва мукаммал очиб берилган.

Рассом бу асарда инсон қиёфасини абадийлаштирибгина қолмай, балки ҳамма юксак инсоний фазилатлар эгаси, оташ

қалб, хаяжон ва ташвишга тўла буюк ёзувчининг жонли портретини яратди.

Раҳим Ахмедов портрет жанрида ҳаётга чуқурроқ ёндошди. Инсон ички кечинмаларини, хис – туйғуларини, орзуларини, инсоннинг гўзал қалбини ўз асарида очиб беради.

Унинг «Она ўйлари», «Сурхандарёлик аёл», «Деҳқон» портрети ёрқин мисол бўла олади.

Малик Набиев асосан портрет жанрида замондошлари билан бир қаторда тарихий алломалар образини ҳам яратиш устида кўп меҳнат қилади. У 1952 йили «Беруний» образини яратди. 1993 йили эса буюк саркарда «Амир Темур портрити»ни яратди. Портрет композициясини яратишда рассомларнинг ўзига хос услуби мавжуд. Улар адабий қўлёзма, этнографик хужжатлардан унумли фойдаланади.



Портрет мазмунига кўра қуйидаги турларга бўлинади: калла портрети, кўкрак қиёфали портрет (бюст), ярим гавда портрет, бутун гавда қиёфаси портрети, портрет картина, гурухли портрет, миниатюра портрети ва хакозо.

Портрет композициянинг тузилишида инсоннинг ташқи ва ички қиёфаси, унинг руҳияти, шунингдек қўли, ўтириш ҳолати, либослари, интерьердаги предметлар асосий восита сифатида муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир рассом портрет яратишда ўз тажрибаси, усулига таянади. Бунга ҳар хил кутилмаган ҳолатда, ранг ва техникада бажарилган портретлар далил бўла олади.





Баходир Жалоловнинг кинорежиссёр «Комил Ёрматов» портрети шу фикримизни тасдиқлайди.

Шунинг учун портрет яратишда ёшлар улуг портрет усталари тажрибасини ўрганиб улардан унумли фойдаланишлари лозим.

Портретчи рассом аввал тасвирланувчи билан чуқурроқ танишиб, бир мунча даврда уни кузатиб, суҳбатлашиб, уни асосий характери, хусусиятларини, ички ва ташқи дунёсини яхши ўрганиши керак. М. Нестеровнинг шогирди П. Корин ҳар доим бу амалларга содиқ қолиб А. Толстой,Н.Качалов, М.Нестеров, Сарьян портретларни шу тарзда яратди.

## § 8. МАИШИЙ ЖАНРДАГИ ТЕМАТИК КОМПОЗИЦИЯ.

Маиший жанрдаги тематик картинани яратиш мазмун ва гояни очиб берувчи воқеа билан боглиқ ва воқеани энг хусусиятли, қизиқарли нуқтасини тасвирлашни талаб этади.

Инсон яшаб турган муҳитда содир бўлаётган воқеаларни ифодаловчи бу жанр қадим замонларда пайдо бўлган. Ўтган асрнинг демократик рассомлари халқ ҳаётини астойдил ҳақоний, тасвирлаб берганлар. Бунга И. Репиннинг «Янги куёвни кузатиш», Е. Маковскийнинг «Хиёбонда», В. Перовиннинг «Учовлон» ва бошқа суратлар ўзига хос мисол бўла олади.

Ёшларнинг кундалик ҳаёти, меҳнати, ўқиши, тасвирий санъат маиший жанрнинг бир қатор асарларида ўз аксини топди. В. Л а к т и о н о в нинг «Фронтдан хат» Ф.Решетниковнинг «Яна иккими», «Татилга келди» асарларида ватанга муҳаббат, мактаб ҳаёти билан боглиқ гоялар тасвирланган.



Маиший жанрда ҳам композицияни талаблари мавжуд. Мазмун ва гояни композициянинг маълум воситаларида очиб бериш: кўриш нуқтаси уфқ, фазовий узоқлашиш, шунингдек композиция маркази



асосий ва иккинчи даражали предметлар ёруглиги, гус, ранг, колорит муносабатларига риоя қилишдан иборат. Перспектива қонунлари, мувозанат, симметрия, динамика вазифаларидан тўгри фойдалана билиш, керак.

Композиция тузилиши хона чеккаси (интерьер) ёки очиқ ҳавода бўлсада, асосий ўринни одам қиёфасининг тасвири эгаллайди.

Рассомнинг ҳаётни кузатиши натижасида бўлган мавзуга оид кўплаб бажарилган хомаки чизги, этюд, эскизлар композиция тузилишига асос бўлади.



Икки, уч фигурали композиция тузиш учун уйда ёки ишхонада одамларнинг меҳнат қилиш ёки дам олиш жараёнида

тасвирлаш учун унинг касби, характерини, ҳаётдаги воқеанинг қизиқарли ҳолатини ўрганиш лозим.

Натурадан бажариш билан бир қаторда ҳаёлдан ва тасаввур қилиб ишлашни машқ қилишни одатта айлантириш керак. Буларнинг бир нечаси бадиий ижод жараёнининг ўсишига, тасаввурини бойитишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ўзбек рассомлари З. Ковалевскаянинг «Театр ложасида» Н. Кашинанинг «Доира чалувчи қиз», Р. Ахмедовнинг «Тушки дам олиш», М. Саидовнинг «Ишга кетишяпти»картиналари маиший жанрда ишланган асарларидир.



Тасвирий санъатнинг ривожланиши билан бирга рангтасвир соҳасида янги жанрлар пайдо бўла бошлади ва тарихий асар тушунчаси шаклланди.

Тарихда юз берган воқеаларни ўзида акс эттирувчи асарлар кўпинча тарихий картина деб аталади. У мустақил жанр сифатида «Уйгониш даври»да вужудга келиб, XIX асрда янада кенг ривожланди. Қайси мавзуда асар яратишдан қатъий назар, аввало чуқур фикрлаш лозим шу билан бирга қобилият, маҳорат, гўзаллик ҳиссиётини ишга солиш ҳам зарур.



Рассом омманинг гўзаллик, эстетик талабларини акс эттирувчи ва унга бадиий маданиятни олиб кирувчи шахсдир.

Ҳаётий воқеалар тарихий жанр композиция ечимида рассом томонидан мураккаб ижодий таҳлилидан ўтади. Композиция қонунларига амал қилиб, тамошабинга картина мавзусини очиб беришга ҳаракат қилади.

Рус санъатида бу жанрнинг кўзга кўринган намоёндаларидан бири В.Суриков эди. У. Ватанпарварлик руҳи билан суғорилган қатор ажойиб асарлар яратди.

«Ўқчилар қатл этилган тонг» шулар жумласидандир. Бу асарда рассом халқ оммасини кучга, жасоратга тўла жўшқин исёнкор қалбли кишиларни тасвирлаган. Рассом асарда тарихий шахс Петр 1 образини ҳам кўрсатади. Унинг бошқа асарларида ҳам халқнинг ўтмиши Ермак, .Разин, Суворов каби тарихий шахслар образида ўзининг бадиий ифодасини топган.

Унинг «Бояриня Морозова», «Ермакнинг сибирни забт этиши», асарларида халқ билан давлат ўртасидаги фожиали қарама - қаршиликлар акс эттирилган. Рассомнинг тарихий жанрда илгари сурган асосий мақсади, халқнинг тарихий шахслар билан боғлиқлигини кўрсатиш эди.

Рассом И.Репин ижодида тарихий жанр муҳим роль ўйнайди. Унинг учта шох асари «Софья», «Иван Грозний», «Запорожликлар» картинасининг гояси Москва ҳаётидаги муҳит, рус тарихига берилиб кеттан В.Васнецов, В.Поленов каби рассомларнинг таъсирида яратди.



Энг аҳамиятли «Иван Грозний ва уни ўғли шахзода Иван» (1885й), тарихий картинасини яратишга Римский Корсаковнинг Симфоник асарини мусиқаси туртки бўлди. Унинг асосий мазмуни тасодифан содир бўлган ўлим (ҳаётга қасд қилинган) ва пушаймонликдир.

Асар инсонда ваҳшийликка қарши ғазаб, норозилик уйғотишга чорлайди.

Интеръерда тўқ фонда ёруғ тушиб турган икки фигура орқали асар ечимини топган.

Ердаги гилам Грозний ва шахзоданинг либослари, уларнинг юзларидаги хаяжон қўрқинчли руҳий ҳолат, хонадаги предметлар тўқ рангларда усталик билан тасвирланган.

Н. Генинг «Петр 1 шаҳзода Алексейни Петергофда сўроқ қилмоқда асари ҳам тарихий хужжатларни синчиклаб ўрганиш натижасида, Петергоф сарой хоналаридан этюдлар, эскизлар ёзиш натижасида яратилган.

Асарда эски ва янги шаклланган характерлар, қудратли рус давлатининг сардори, Европага йўл очган улуғ Петр тасвирланган.

Жанг манзараларини акс эттирувчи жанр ўз тематикаси жиҳатидан тарихий жанрга яқин туради.

Бунинг сабаби, шундаки, жанг манзараларини кўрсатувчи бу асарлар фақат уруш воқеаларини акс эттирибгина қолмай, жанг билан бевосита боғлиқ бўлган тарихий воқеаларни акс эттрувчи жанр тарихий жанрнинг бир қисми деб қаралиши мумкин.

Аскарларнинг ватанпарварлиги, фидокорлиги, мардлигини В.Суриков ўзининг «Суворовнинг Альпдан ошиб ўтиши» суратида акс эттирган. Бу асарда рассом Суворовнинг ҳарбий санъатини катта маҳорат билан тасвирлаган. Жанг манзараларини кўрсатувчи жанрга Б. Грёков асос солди.

Ҳар бир санъат асарини яратишда мазмун ва ғояни асосий ечими эскизда ўз аксини топиши лозим.

Кейинчалик энг яхши бажарилган эскиз танлаб олинади. Изланиш жараёнида композицияга керакли деталларни, предметларни аниқлаб олиш лозим, мавзуда содир бўлаётган воқеанинг марказий қисмини топиш керак.

Эскиз бажариш жараёнида яхлитлик, масофа, кейинчалик, ҳаво перспективаси қонунларга, асосий ва иккинчи даражали гуруҳ хусусиятларига, колорит танлашга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир.

Композиция тузилишини тўғри топиш учун натурадан – одамлар гуруҳидан тезкор чизгилар, эскизлар бажариш зарур. Чунки ўткир қобилиятни ижодий тасаввур, «фантазияни»



шакллантириш айнан шу жараёнда содир бўлади. Бу ижодий жараёндаги ўзига хос кўникмаларни ҳосил қилиш узоқ вақт машқ қилиб ишлашни талаб этади.

Композиция – бу муаллифнинг ижодий, бадиий ифодаси, маҳсули ҳисобланади.

Шундай экан тасвирий санъатнинг барча жанрларида композиция яратиш юксак даражада билим, кўникма, малака ҳамда қобилият, салохиятни талаб этади.

Шу боис бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари олий ўқув юртида таълим олаётган вақтданоқ кенг қамровли фаолиятга ўзларини тайёрлаб боришлари лозим.

## § 9. ДАСТГОҲЛИ ВА КИТОБ ГРАФИКА КОМПОЗИЦИЯСИ.

Дастгоҳли ва киттоб графикаси ҳам тасвирий санъатни барча турлари каби композициянинг умумий қонунларига таянади. Дастгоҳли графика ўз хусусиятларига эга бўлиб – шакл, масофа, чизиқ, штрих ва контур воситасида оқ -қора тасвирда ифода этилади.

Китоб графикаси XIX ва XX асрга келиб ривожлана бошлади. Айниқса В.Фаворский, Д. Шмаринков, Е. Кибрик, О.Верейский каби рассомлар классик адабиёт асарларини чуқурроқ ўрганиб китоб графикасини юксалтирдилар.

Китоб графикаси безагининг муваффақиятли чиқиши, рассомнинг қобилиятига, адабиётни қандай таҳлил қила олишга боғлиқ.

Маҳорат чўққисини эгаллаган безакчи рассомлар китоб мазмунини алоҳида график асари даражасига етказадилар. Рассомлар Д.Кардовскийнинг ёзувчи А. Чехов ёзган «Каштанка», А. Грибоедовнинг «Горе от ума»,А. Бенуанинг шоир А. Пушкиннинг «Мис чавандоз» асарларига ишланган китоб безаклари мисол бўла олиши мумкин.

Китоб безаш санъати зарварақ – муқова ва иллюстрацияларни ўз ичига олади. Рассом ҳамма элементларини бир композиция ечимида умумлаштиради.

Бадиий адабиётларнинг мазмуни ва йўналиши (стили) китоб безагида ўз аксини топиш керак.

Китоб унсурлари: зарварақ уст муқова, титул, заставка, концовка, виньетка, безак –ҳарф ва хоказолар.

Рассомнинг вазифаси шундан иборатки у воқеани, адабий образни, китоб мазмунини тасвир оркали тушунишга ёрдам бериши керак. Китоб учун ишланган иллюстрациялар шакл жиҳатидан динамик, рангдор, таъсир этувчи, адабий асарнинг

текст матнини жозибали қилиб кўрсатишга ёрдам бериш лозим. Болалар китобига ишланган тасвирлар, болаларнинг узоқ вақт эсларида қолиб, уларни бадиий дидларини ўстиради. Безак жараёнида формат ва ҳарф ишлашда болаларнинг ёшлари ва талабларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Зарварак (китобнинг устки қисми) ўқувчиларга адабий матннинг маълум йўналишини тасаввур этишлари учун хизмат қилади.

Бундан ташқари китобнинг устки безаги реклама вазифсини ҳам ўташи мумкин. Муқова безаги китоб мавзусининг мақсадига мувофиқ бўлиши учун китобнинг номи, уни ифодаловчи тасвир, матн муносабатлари ҳамда уйғунлиги ва бирлигига аҳамият бериш лозим.

Муқова безагидаги композиция тузилиши, мазмун ва гояни китобнинг қайси ёшдаги ўқувчиларга ёзилганлигини белгилаб беради.

Китобга иллюстрация бажариш, адабий асарга қараб илмий, оммабоп, хужжатли, бадиий бўлиши мумкин.

Иллюстрация графикаси яқин масофадан кўришга мўлжалланган. Китоб мазмунига қараб тасвирий воситалардан фойдаланиш мумкин (Тушь, графит, қалам, акварель ва ҳоказо). Адабиёт образлар рассом қандай йўналишда ва техникада тасвир бажариш кераклигини белгилайди.

Бир китобда қалам тасвир, соя – ёруғ, шакл, ҳаво переспективаси восита бўлса, иккинчисида эртак мавзуси одам ва ҳайвон, ўсимликларни декоратив тема усулида ифодалаши мумкин. Мисол сифатида **Билибиннинг** «Қурбақа малика» эртак китобининг безагини келтириш мумкин.

Китоб муқовасидан **Билибин** рус халқ нақшларидан фойдаланиб, балиқлар, сув парилари тасвирини ритм қайтарилишида усталик билан тасвирлаган. Муқова ўртасида эски рус харфида сарлавҳаси жойлаштирилган «Шрифт» ҳарактери декоратив тасвирга мос тушган. Эртак иллюстрациялари орнамент шаклида тасвирланган.

Ўзбек китоб графика санъатининг ривожланиши XX аср 40-50 йилларига тўғри келади. Китоб графикасининг кўзга кўринган кекса вакиллари В. Кайдалов, И. Икромов, М.Шчировскийлар самарали ижод қилдилар.

В. Кайдаловнинг «Ўзбек анталогияси», «Ойгул билан Бахтиёр», китобига. И.Икромовнинг «Ўзбек лирикаси», М. Шчировскийнинг «Минг бир кеча» китобларига ишланган безаклари китоб графика санъатини оламга танитди.

Уларнинг ананаларини давом эттириб Қ. Башаров дастоҳли ва китоб графикаси соҳасини кўплаб безаклар





яратиб самарали ижод қилиб келмоқда. Унинг «Ўзбек халқ эртаклари»га ишланган безаклари мақтовга сазовордир.Кейинги пайтда Т.Мухамедов, А.Циглинцев, А.Ғуломов, М.Кагаров, И.Вахитов каби истеъдодли графика санъати рассомлари, ўзларига хос усулдаги сермазмун ижодлари билан ўзбек китоб графикаси санъатини ривожланишига ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Безак санъатини асосий қонун – қоидаларини ўрганишда албатта китоб графикаси намуналарининг муаллифлари: В. Кайдалов, М.Кагаров, Т. Муҳамедовлар билан бирга рус графика рассомлари: И.Билибин, Е.Кибрик, Д.Шмаринов, Д.Бисти асарларига мурожат қилиш мумкин. Хулоса қилиб шуни такидлаб ўтиш керакки кўп йиллик ижод ва тажриба натижасида шаклланган китоб графикасидаги композиция безагини қонун ва қоидалари кўплаб рассомлар томонидан тан олиниб ўз ижодларида қўллаб келмоқдалар.

## § 10. ПЛАКАТ КОМПОЗИЦИЯСИ.

Плакат – томошабинга тезда таъсир этувчи бир неча ранглар иштирокидаги график тасвиридир. Плакат санъати тасвирий санъатнинг бошқа турларидан мавзунинг ўткирлиги, долзарблиги ва ранглар ёркинлиги билан ажралиб туради.

Плакат санъати графика каби рефлекс, «полутон» қора бўёқ ва оқ қоғоз билан соя ёруғни ифодалайди, шаклланади. Бунда асосан оқ ва қора конрастлар, чизиқ ва контур муҳим роль ўйнайди.

Плакат санъати Россияда 30 –40 йилларда, шу жумладан Ўзбекистонда 40 йилларда ривожланди. Плакат санъатининг ривожланишга М.Черемных, Д.Моор, В.Дени, Куприянов, **Николаев, Соколов** каби рассомлар муносиб ҳисса қўшдилар. Одам қиёфаси тасвирланган плакат бошқаларга нисбатан

ажралиб рассомдан чуқур билим ва мутахассислик маҳоратини талаб этади.

Одам қиёфаси тасвиридаги плакат томошабин қалбида чуқур из қолдириши керак. Шунинг учун композицияда майда деталларни кераклича идрок билан таҳлил этиш талаб қилинади.

Бунинг учун 1921 йили Волга бўйида юз берган очарчиликка бағишланган «Помоги» номли плакатни мисол қилиб келтириш мумкин. Рассом ортиқча деталлардан воз кечиб, деҳқон кийимига одам қиёфаси – юз, қўл, оёқларини қора фонда ифодали тасвирлаб, пастки планда эса синган, қуруқ, ожиз буғдой бошоғи тасвирланган, бутун мазмун бир сўз –«Помоги» сўзи билан ўз ечимни топган. Синган, қуруқ буғдай бошоғи орқали қурғоқчиликни оналар кўз – ёши, болалар кўзидаги қўрқув ўз ифодасини топган. Кўп йиллар ўтишига қарамай бу плакат ўз моҳиятини йўқотган эмас.

Рассом мўйқалами ва шоирнинг оташин сўзлари ҳамкорлигида II жаҳон уруши йиллари «ОКНО ТАСС», «Боевой карандаш», ташкил этилди. Ватан ҳимоясига чақирувчи кўп плакатлар чиқарилди. «Фашист босқинчиларига ўлим!», «Берлингача борамиз!» номли плакатлар шулар жумласидандир.

Ўша йиллари Ўзбекистонда Рождественский, Н.Кашина, Уста Мўмин, А. Абдуллаев, В.Кайдалов, Венедиктов, С.Мальт, М.Рейх каби рассомлар плакат жанрида ижод қилдилар.

Кейинчалик 60-80 йиллари халқ хўжалигини ривожлантиришга экология, Орол муаммосига, ҳосил йиғим – терими мавзуларида плакатлар яратилади. В.Евенко, А.Балканов, Ф.Кагаров, Н.Тен, Х.Хасанов, А.Зияев каби рассомлар Ўзбекистонда плакат санъатини ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар.





Плакат асосий композиция тасвири ва плакат ғоясини тушинтирувчи тексдан иборат бўлиб ташвиқот ва тарғибот вазифасини ўтайди.

Плакат бир қарашдаёқ томошабинни ўзига жалб қила олиши керак. Шунингдек мазмун ва мақсад ҳамда ундаги мавжуд матн аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Плакат турлари сиёсий, реклама, ташвиқот сифатида бўлиши мумкин. Шу билан бирга плакатни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Нақшинкор ёзувли плакатда матн асосий ўринни эгаллайди, қолган жойлари нақш билан тўлдирилган бўлади. Бундай композиция ечими афиша ва чақириқ плакатларида ишлатилади.

2. Тасвирий – ёзувли плакатда асосий ўринни мавзули тасвир эгаллайди, матн эса асосий фикрни амалий ифодалайди.

Асосий вазифа тарзида амалий машғулот учун унча қийин бўлмаган нақш матн чақириқ плакат эскизини мисол қилиб келтирамиз. Бадиий безак амалиётида кўпинча меҳнат жамоаларининг ҳаёти ва ғалаба, ютуқларини акс эттирувчи мавзудаги плакатлар бажарилади.

Ўқиш жараёнида олган билимлар маҳалла ёки жамоа клуби учун «Наврўз» номли мавзуга бағишланган афишага ўзбек миллий нақшлар ва гулларнинг тасвирини «Ҳосил байрами» куни учун плакатда мисол тариқасида пахта, мева ва сабзавотдан иборат композиция ечими тавсия этилади.

Турли байрамлар, юбилей маросимлари сайловларга бағишланган плакатларда чақириқ матнлари, нақш, эмблема, герб, лавр барглари билан безатилган плакат композициясини эскизи бажарилади. Плакат композиция эскизини дастлаб бир неча кичиқ варақларда енгил чизмалар билан тасвир ва текстни яхши идрок этган ҳолда хомаки эскизлар бажариш лозим.

Эскизни бажариш жараёнида асосий фикрни мазмун ва ғояларга соя ва ёруғ «контраст» рангларга қаратилади.

Хомаки эскизларда композиция ва ранг ечими топилгандан сўнг якунловчи плакат эскизини 30х40 см хажмда гуашда бажариш мумкин. Чунки гуашь бўёғи безак ишлари ва плакат ишлари учун жуда қулай.

Сиёсий тасвирий плакат эскизини бажаришда асосий ўрин тасвирга берилади, текст эса унга ёрдамчи, восита бўлиб қолади. Мисол учун А. Балкановнинг «Гулла ҳур Ўзбекистон» номли плакатини мисол келтириш мумкин. Қуёш нурлари фонида Ўзбекистон Республикаси герби, байроғи тасвирланган. Плакат орқали меҳнаткаш халқнинг келажаги улуғ ва порлоқ

эканлигини ўқиш мумкин. Шунинг учун плакат санъати рассомдан профессионал маҳорат, эстетик маданиятни талаб қилади.

## § 11. МАҲОБАТЛИ БЕЗАК САНЪАТ КОМПОЗИЦИЯСИ.

Маҳобатли санъат архитектура ва ҳайкалтарошлик билан боғлиқ ҳолда яратилади. Унинг мавзуси ва мазмунини бадиий фикрни улуғворлигини белгилайди, унда тарихий ва халқ ҳаётидаги муҳим воқеалар тасвирланади.

Маҳобатли нафис тасвирий санъат композициясининг аниқлиги, пухталиги, колоритини умумлаштириб, композициянинг ҳар тарафдан кўришга қулайлиги билан фарқланади.

«Монументаль» санъат асарлари мавзунинг катта ҳажмда ва шаклда бажарилиши билан белгиланади.

Композициянинг унсурлари (ҳажмдорлиги, симметрия, оҳанг, перспектива, ранг ечими ва ҳоказолар) маҳобатли паннонинг бажариладиган жойига қараб ўзгаради. «Монументал» асар узоқ масофадан туриб тасаввур қилиш учун композициядан пластик ҳажмларни умумлаштириш, масофа, тасвир ва ранг ечимини аниқлаш керак. Керакли даражада мавзуни умумлаштирилиб аллегория, тимсол шаклида беришга катта аҳамият берилади.

Маҳобатли санъат кенг маънодаги инсон жасоратини, гўзаллигини ифодалаш билан бирга декоратив, эстетик дидни тарбиялайди.

«Декоратив монументал» санъатга асосан боғ ҳайкаллари ва меъморчилик гуруҳининг бўлаги бўлган ҳайкаллар киради. Композицияда ҳар хил пластик бажариладиган тасвир ашёси – материалини ҳам ҳисобга олинади.

«Мозаика», «фреска», «витраж», «рельеф», «панно» – намоён кабилар маҳобатли ранг тасвирининг турлари бўлиб, маълум техник тасвир воситаларига эга.

«Мозаика» деб, «смальта», мармар, кошин –сопол плитка, ҳамда майда нақш ёки тасвирни айтамиз.

Мармар «плита»лар мозаикада кенг қўлланилади, Мармар, керамик мозаика ташқи ва ички деворларга спорт иншоатларида, Тошкент метрополитен бекатлари безагида ишлатилган.

Бунга Тошкент шаҳридаги «Пахтакор», «Ғофур Ғулом», «Собир Раҳимов» метро бекатларининг безаклари мисол бўла олиши мумкин.





«Фреска» – бу энг қадимги санъат тури бўлиб, у деворга чизилади. Рангларни сув билан аралаштириб ҳўл сувоқ қатламига ишланиши, фресканинг ўзига хос хусусиятларидир.

Фреска бой ранг – тасвир имкониятларига эга ва кўпинча хона ичида (интерьерда) бажарилади. Бунга Микеланжелонинг «Ватикандаги», «Секстин капелла»си, Ч. Ахмаровнинг Алишер Навоий театри деворига ишланган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», достонига фрескалари мисол бўла олади.

«Панно»ни фрескадан фарқи шундаки, у грунт ишлов берилган деворга, шипга ўрнатилган холстга бажарилади.

Тасвирлаш воситаси сифатида темпера, мойбўёқ ишлатилади. Мазкур композицияни бажаришда унинг ҳажми, томошабиннинг узоқ масофада туриб кўра олишини ҳисобга олиш лозим.

Витраж – қадимги маҳобатли безак санъат туридир. У ўзидан ёруғ ўтказувчи рангли шишалардан ясалган нақш ёки мавзули композиция.

Рангли шишаларни юксак маҳорат билан танлаб метал симлар билан боғланади. Витраж асосан дераза, эшик ва бошқа хоналарда жойлаштирилади у хонага чирой беради.

Кейинги пайтларда витраж интерьерда, кафе, мактаб хоналарида кенг қўлланмоқда.

Деворларга ишланган барча маҳобатли композициялар уй меъморлиги билан боғланган бўлиши керак, ҳамда гўзаллик, уйғунлик, яхлитлик ўз аксини топиши керак.

Юқорида қайд этилган тамойиллар «монументаль» санъатнинг композициясини ташкил этади.

## III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА КОМПОЗИЦИЯ МАКТАБЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.

Ўзбекистонда санъат ва маданиятнинг ривожланиши ўзининг Қадимий тарихига эга. У бир неча аср давомида ва турли босқичда санъат, маданий меросимизни бойитди. Бизгача етиб келиб, ҳозирда Париждаги миллий кутубхонада сақаланаётган, XIV асрга мансуб Рашид – ад – Диннинг «Мақолалар тўплами»га ишланган миниатюра (мўжиз санъат) портретлари Ўрта Осиёда қадимги тасвирий санъат асарлари ҳисобланади.

XIV асрга келиб Самарқандда Амир Темурнинг «Боғи-Шамол», «Боғи-Дилкушо» саройлари деворларига, ҳарбий юриш, жанг ва ов маросимларида Темурни ўз канизаклари, Амир, шаҳзодалари билан ўз даврининг миниатюрачи рассоми Ахмад- Боғи- Шамол томонидан тасвирланган.

Ўрта Осиё миниатюра санътини гуллаб ривожланиши XV асрда бошланади. XV асрни иккинчи ярмида Хирот Ҳусайн Байқаро салтанатида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий раҳнамолигида тараққий этган маданият ўчоғига айланади.

Ҳирот адабиёт ва санъат намоёндалари ичида К. Беҳзод ёрқин юлдуз бўлиб яркиради.

Улуғ миниатюрачи мусаввир ўз замондошлари: Султон Хусайн Бойқоро, Шайбонийхон, шоирлар Жомий, Хатефи, кабиларни ажойиб портретларини чизиб бизларга мерос қилиб қолдирган.







Портретлар чуқур руҳий ҳолатлари билан ажралиб туради. Султон Ҳусайн Бойқаро портрети ташқи қиёфаси характери ҳақида Бобур ўз хотираларида шундай таърифлайди: у маъноли қараб турган, маҳобатли, гавдаси келишган бамисоли шер, белидан пасти ингичка. У сергап, хушчақчақ Хуросонда 40 йил давомида давлатпаноҳ бўлган. Беҳзод ўзбек хони Шайбонийхон портретини 1507 йили Хирот олингандан кейин яратди. У улуғ саркарда давлат арбоби, илмли олим, адабиёт ва санъатни ниҳоятда улуғлайдиган шахс эди.

Хон калта енгил оддий хирот ҳалат бошида салла, чордона қуриб ўтирибди. Оғир вазнли, тўғри нигоҳли қўли тиззасида юз қиёфасида матонатли катта қалб эгаси сиймосида тасвирланган.

Беҳзод портретлари яхлит ранглар билан тасвирланган. Чизиқларни аниқ ва пластик тузилиш хусусиятлари Шайбони – хонни барваста қудратли елка а гавда қиёфасини ифодалаб беради.

Шайбонихонни портретида интерьердаги сиёҳдон китоб, қамчин, катта ўнг бармоғидаги узук каби предметлар томошабинга улуғ саркарда қиёфасини очиб беришда бойитади.

Камолиддин Беҳзод ўз асарларида ўша даврда портрет миниатюра санъатини чўққисига эришди. Хусайн Бойқаро қароргоҳида миниатюра санъатида бошқа рссомлар ҳам ижод қилган. Тарихчи Хондамир 1498 й ўзининг «Хулосат Алъ – Акбар» рисоласида рассом Қосим –Алини асримизнинг қаймоқлари, нозик асар муаллифларининг сардори деб баҳолаган эди.

У санъат сир асрорининг Хусайн Бойқаро кутубхонасида унинг раҳнамолигида эгаллаган эди.

Шайбонихон саройида Беҳзоднинг қобилиятли шогирдларидан бири Махмуд Музаҳҳиб (Музаҳҳиб олтин билан безовчини англатади) ўз устозидан энг яхши фазилатларини тасвирий воситаларда яхлит ифода этишни ўрганди.

Унинг дастлабки ҳаммага маълумА.Навоий портрети (XVI аср) мисол бўлиши мумкин.

Мўйсафид ёшлардаги шоир, ҳассага таяниб турган холда тасвирланган. Қувгинликда, амирлик, давлатни бошқариш ишларида сочлари оқариб иродаси сайқал топди.

«Мен кексайсам ҳам танам тетик, менинг сўзларим хануз қилич каби ўткир» деган эди. Алишер Навоий.

Маҳмуд Музаҳҳибни миниатюра асарида улуғ Алишер қиёфасида, соч, соқоллари оқарган, бироз гавдаси энгашган,



тугалмас ҳаётий куч, ўткир нигоҳ, лабдаги енгил табассум, шоирнинг халқпарвар, «гуманист», мутафаккир инсон эканидан далолат беради.

Композиция жиҳатидан бу портрет миниатюра санъатида ўзига хос хусусиятта эга, унинг нозик қиёфаси хаётийлиги, кўз- қошлари ҳаракатларида ифода этилган.

XVII асрда бир хил Ўрта Осиё рассомлари ўз ватанидан узоқда миниатюра санъатида ананаларни давом эттирдилар.

Рассом Давлат Мухаммад Хиндистонда Бобурийлар саройида султон ва уларни оилаларини, сарой амирларини, шоирларининг портретларини яратди.

Шу даврда Хиндистонда Муҳаммад Мурод Самарқандий Бобур саройида ижод қилиб, портрет устаси номини олди.

Миниатюрачи рассом ташқи дунёдаги ҳақиқатни – кузатиб ҳаётни тасаввурлари асосида композициянинг маълум қонун қоидаларига амал қилган ҳолда асар яратди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўрта осиё ва Ўзбекистон халқларини ўтмишда қолдирган бой маданий ва эстетик меросига қарамай, тарихий объектив шароитлар сабабли реалистик тасвир санъати ўз шаклини топмади.

XIX аср 60 йиллари Ўрта Осиёга, Рус илғор реалистик санъати ўз таъсирини кўрсата бошлади. Ташриф буюрган рассомлар ўз асарларида ерли халқ ва табиатни тасвирладилар.

Туркистонда биринчи бўлиб ижод қилган рассомлар ичида «Туркистон туркуми» суратларини яраттан ижодкор В.Верешагин ҳаётни кузатувчиси сифатидир этнографик хаёт фарзини чуқур ўрганиб этюд ва эскизлар бажариш натижасида ҳар хил мавзуда асарлар яратди. Унинг «Балоғатга етмаган бола савдоси», «Зиндон», «Нашаванддар» шулар жумласидандир.

Унинг тарихий жанрдаги яраттан энг катта асари «Тантана қилмоқдалар», деб номланади. Регистон майдонида бўлиб ўтаёттан бу маросимда Мустақилликка қарши юриш қилган кучлар устидан қозонилган ғалаба тантанаси ўз ифодасини топган.

Композиция жиҳатидан кўп фигурали, кўп планли бу асарда оддий фуқаро, дарвешлар,отда юзбоши сарбозлар, уларни бўлиб ўтаёттан тантанага психологик муносабатлари, миллий либослари акс этган қуёшнинг ёруғ шуъласида Самарқанд табиати илиқ гаммада тасвирлаб берилган.

Ўзбекистон замонавий реалистик тасвирий санътига асосан XX аср бошларида Ўзбекистонга келган рус рассомлари томонидан асос солинди. Биринчилар қаторида М. Курзин,

П.Бурэ, И. Казаков, А. Исупов,Н. Розанов каби рассомларни айтиш мумкин.

1918 йили Самарқандда, 1919 йилда Тошкентда Туркистон Улка рассомчилик мактаби ташкил топди, бошқа рассомлар қаторида А. Волков ёшларга дарс берди. Самарқандда эса О. Татевосъян раҳбарлик қилади.

О. Татевосъян рассом сифатида 20 йилларда танилди. У ўзини манзара, натюрморт, портрет, маиший жанрларда синаб кўради ва асарларида шарқни ўзича талқин қилди.

Кейинчалик у натюрморт устаси профессор сифатида танилди ва 1954- 57 йилларда ёш рассомларга дарс беради.

Рус демократ рассомлардан И. Репиннинг шогирди Н.Розанов 1924 йили санъат музейи қошида биринчи бўлиб тасвирий санъат студиясини ташкил этди. Бу миллий студияда ўзбек рассомлар Х.Валиев, З. Саидносирова, А. Тошкентбоев, Ў Тансиқбоев ва бошқалар биринчи бўлиб сабоқ олишди.

Н.Розанов каби И. Казаков ҳам рус реалистик санъатини асосларини ёшларга ўргатди.

Реалистик санъат билан бир қаторда Петров –Водкин, Н. Кузнецов, А. Волков каби бир неча рассомлар формалистик йўналишга бурилиб кетдилар.

Бу йўналишни амалга оширганлардан бири А.Волковдир. Унинг «Анорли чойхона», «Карвон», «Сандал олдидаги ўйинчи» каби асари 1924 йили Тошкентда, Москвада шахсий кўргазмада намойиш этилди.

Жамоатчилик томонидан танқидга учрагандан кейин реалистик йўналиш қарор топди. Волков «Анорли чойхона» асаридан кейин ижодида бурилиш ясади.

У ўз эсдаликларида реализм йўли инсон образини яратишда тўгри йўллигини таъкидлади.

Автопортрет, Рафиқаси портрети, Колхозчи, Пахта терими, «Байрам» асарларида реализм йўли намоён бўлди.

Александр Волков баҳор маросимлари – сайл, лола териш, тўй, ҳосил байрамларини қувончли рангларда ифодалади.

Карвон асарида туяни учбурчак шаклидаги аёл ва бош ҳаракати арава гилдириакларини гилдираш товушлари билан богланиб, бир ранг спектри композициясига айланган «Учта сўзана» асарида шартли геометрик фигура қизил, кўк, охра, сариқ рангли шакллари бир – бирга туташиши мусиқа оҳангларини эслатади.

Шу даврда портрет ва тарихий мавзуда Ў. Тансиқбоев, Уста Мўмин (Николаев), В. Уфимцев, М.Аринин каби рассомлар ижод қилишди.



Кейинчалик 1960 йилдан бошлаб Ўрол Тансиқбоев ижодида манзара жанри гуллаб ривожланади.

У ўзига хос услуда манзара композиция мактабини яратди. «Иссиқ кўл», «Она ўлка», «Тогда куз» каби кўплаб асарлари Третьяков галлерейси ҳамда Ўзбекистон давлат санъат музейининг олтин фондидан жой олган.

Петербург Бадиий академиясида таълим олган П.П. Беньков 1928 йили биринчи марта Ўзбекистонга келди.

Бу диёр ўзини бетакрор гўзаллиги билан уни ўзига мафтун этди.

Шу вақтда у Бухорода бўлиб, «Бухоро бозори», «Чор – минор масчити», «Ховуз лабидаги чойхона», «Узум бозори». «Усти ёпиқ бозор» каби манзараларни яратди.

Рассом 1930 йили Хива, кейин Самарқандга келди. Бу ажойиб ўлкани табиати, ҳаёти, одамлари янги ижодга илхомлантирди. Тез орада у Қозон шаҳридан Самарқандга кўчиб келиб ижодини иккинчи янги босқичини бошлади.

Рассом шаҳар тор кўчаларини кезиб, масчит-мадрасаларга, хонадонларга кирди, бозордаги шовқин- сурон, савдо – сотиқ билан банд, рангларга бой либосдаги одамлар ҳаётини эринмай соатлаб кузатди. Уларни қуёш нурида тобланган чеҳраларини машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган мева, ноз – неъматларнинг ранг – баранглиги унинг кўзини қамаштирди, янги ижодга илхом бағишлади.

У илк бор «Хивали қиз» суратини яратди. Пешин пайти, чарогон қуёш нурига ғарқ чўмилган Хива ҳовлиларининг бирида ўсмир қиз чарх йигириб ўтирибди.



Унинг эгнида гулдор кўйлак, бошида чиройли дўпписи. Кўзларини диққат билан боқиши, бошини сал эгилганлиги, қўлларнинг ҳаракати, унинг берилиб ишлаётганидан далолат бериб турибди. Сурат бўёқларининг ёрқинлиги, уни эркин услубда ишлаганлиги туфайли, асардаги миллий колоритни янада чуқур ҳис этамиз. Унинг эгнида гулдор кўйлак, бошида чиройли дўпписи. Кўзларини диққат билан боқиши, бошини сал эгилганлиги, қўлларнинг

ҳаракати, унинг берилиб ишлаётганидан далолат бериб турибди.

Сурат бўёқларининг ёрқинлиги, уни эркин услубда ишлаганлиги туфайли, асардаги миллий колоритни янада чуқур ҳис этамиз.

Бу асарни ўзбек тасвирий санъатида биринчи реалистик ижод намунаси дейиш мумкин. Ўз пайтида у Третъяков давлат галлереясининг доимий экспозициясидан ўрин олган эди.

Рассом 30 йилларда катта тематик суратлар ишлаш учун этюдлар, хомаки чизгилар сифатида бадиий материаллар тўплади.

Унинг «Хужум» номли пиллакашлик фабрикаси, «Регистонда 8 март» полотлоналари шулар жумласидандир. У ўз устозлари Д. Кардовский, И. Репиндан ўрганган ҳаётни чуқур акс эттириш, бадиий образлар яратиш анъаналарини давом эттириб ўзига ҳос ранглар «политра»сини яратди. «Узум узиш» ёки «Дугоналар» картинасида кўпмиллатли ватанимизда халқлар дўстлиги ғояси образи очиб берилган. Жанубнинг саҳий қуёши, гўзал фаровон турмуши асар композициясида моҳирона ҳал этилган.

Қалин навда ва барглари орасидан тушган қуёш нурларида пишиб етилган узум боғлари манзараси фонида икки қиз тасвирланган. Бири ўзбек, иккинчиси рус қизи, улар композиция маънавий марказини ташкил этади.



Асарнинг персонажлари, завқ билан томоша қилаётган, қизлар ҳам, болалар ҳам кекса боғбон ҳам бир оила аъзоларидек кўринади.



Тасвир ёрқин бўёқларда ишланган, унда ҳаво кўп бўлиб, серқуёш Ўзбекистоннинг гўзал табиати жуда нафис рангларда акс эттирилган.

П. Беньков, ҳаётни кўп кўрган,ёши улуг одамлар суратини чизишни ёқтирарди. Унинг энг яхши яратилган асарларидан бири «Илгор колхозчи портрети» эди. Унда сочларига оқ оралаган, меҳнатдан чиниққан инсоннинг образи акс эттирлган.

1945 йили П.Беньков сафдоши – шогирди З. Ковалевская билан бир – бирларини портретларини чизишди.

Портрет илиқ гаммада ишланган бўлиб, айни ижод палласини акс эттирган. Самарқандда ўтган ҳаёти тематик композициялар, маиший картина ва портретларга бой бўлди. Лекин манзара ишлашни ҳам канда қилмас эди.

У узининг 20 йиллик ижодида «Бибихоним»да баҳор, «Баҳор», « Шафтоли гуллади», «Токзорли ҳовли», «Куздаги ховли» каби ажойиб манзаралини яратди. Биз юқорида кўриб чиққан асарлардан П. Беньковнинг нақадар забардас рассом бўлганлигига иқрор бўламиз.

Унинг ижоди педагогик фаолият билан чамбарчас боғланган. У Самарқанд рассомчилик билим юртида умрини охиригача ёшларга сабоқ берди, тасвирий санъат сирларини ўргатди. У ажойиб ижодкор ёшларни тарбиялади.

Шулар орасида Ўзбекистон халқ рассомлари Лутфулла Абдуллаев, Малик Набиев, Абдулхақ Абдуллаев, З. Ковалеская, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Ю. Елизаров, Р. Темуров, В.Фадеев, рассомлар А.Розиқов, П.Черпышев ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Унинг педагоглик маҳоратининг сири, юқори даражали қобилияти, чуқур билимида, ёшларга бўлган меҳрида эди. У ўз ўқувчиларига кундалик ҳаётни севиш уни гўзаллигини кўрабилиш ва бу гўзалликни ўз асарларида акс этдиришни уқтиради. Натурани тўгри англаб чизишни, фикр юргазишни, хотирадан чизиш, тасаввурини кучайтиришни талаб қилди. Мунтазам равишда натурадан соя- ёруғ рангларни ўзгаришини чизиб кўрсатарди.

Шогирдлар хатоларини кўрсатиб, билан профисионал маҳоратини оширишга ундарди.

Беньков ёшларда санъатга бўлган ижодий қобилиятини уйготиш каби муҳим қимматли фазилатларга эга эди. Самарқандда рассомчилик билим юрти шаклланишида Беньков ўз тажриба, билимини аямади.

1936 йили Ленинграддаги собиқ иттифоқ кўргазмасида Беньков уни ўқувчиларнинг ижоди намуналари юқори баҳолар олди.

Бу ажойиб инсон, ўз асарлари каби ёруғ, саховатли эди. Шу йиллар Республика рассомчилик мактабини Б. Хамдамий, билим юртларини Л. Тошкентбоев, Л. Абдуллаев, А. Розиқовалар, Москва, Ленинград, Пенза билим юртларини И. Икромов. А. Сиддиқий, У.Тансиқбоевлар тамомлаб ижодга йўлланма олдилар.

Уларнинг ижодий маҳорати Сиддиқийнинг «Тўй (1932)», Б.Хамдамийнинг Л.Абдуллаевнинг «Пахта терими (1931)», Розиқовнинг «Мактабга» (1932) асарларида намоён бўлди.

Акрам Сиддиқийнинг «Тўй» картинаси катта гулли сўзана фонида контраст рангларда, композиция тузилиши амалий санъат йўлида тсвирланган. У ўзбек халқ амалий санъатини яхши ўрганган эди. Реалистик санъат йўлидаги бу асарларнинг яратилиши Республика бадиий хаётда муҳим воқеа бўлди.

Ижодий изланиши А.Сиддиқийга яқин бўлган Ў.Тансиқбоев ёрқин ранглар тизимида «Чойхона» (1934) картинасини яратди. Б. Ҳамдамийнинг тенгдоши рассом А.Тошкенбоев меҳнат, кундалик ҳаёт воқеалари мавзусидаги асарлар яратди. 1934 йили буларни яратган композиция асарлари кўргазмада яхши баҳоланди. П.Беньков билан Самарқанд рассомчилик мактабида ёшларга дарс берган З.Ковалевская «Театр ложасида» номли ажойиб асар яратди. Театр ложасида ўтирган ўзбек қизларни нигоҳларида ҳаяжон, гўзаллик ҳис туйғуларини кўрамиз.

Орқада эътибор билан биноклда кузатаётган кекса эркак ва аёлни хотиржам қарашлари, қўл ҳаракатлари лирик холатини кўриш мумкин.

Рангтасвир композиция жиҳатидан ўзига хос миллий колоритда ифода этилган. П.Беньков, А. Волков қўлида ўқиган Б.Хамдамий, Л.Абдуллаев, Р. Темуров, П.Насритдинов, А.Раҳимов, А. Тошкенбоев, А. Розиқовлар ўз устозларини яхши ананаларини давом эттирдилар, мазмун, гояларни кенгайтирдилар. Айниқса Самарқанд рассомчилик билим юртини битирган Л.Абдуллаев дастлабки «Пахта терими» (1931й) картинаси билан томошабин ва санъатшунослар фикрини қаратган бўлса, кейинчалик етук рассом сифатида мураккаб композиция асарларини яратди.

Айниқса «Ёш шоир хузурида» картинасида композиция устаси эканлигини тасдиқлади.





Йигит ва қизлар ёш шоирнинг шеърларини эшитмоқда. Замонавий хонада шоир гавдаси аниқ тасвири композиция марказини ташкил этади.

Қўлини кўтариб тантанали ҳаяжон билан шеър мисраларини ўқимоқда.

Ёшларнинг билимга чанқоқлиги, меҳнатга меҳр билан интилиши ифодаланган.



Унинг «Мулла Тўйчи Тошмухамедов» портрети, Фронтдан қайтиш«, «Қўриқ ер очувчилар», М.Набиев, С. Мухамедов, Х. Рахмоновлар билан ҳамкорликда яратилган пойафзалчи «Убай Рахматуллаев бригадаси» асари энг яхши санъат асари сифатида Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланмоқда. Юқорида қайд этиб ўтилган рассомлар 50 – йилларда Тошкентдаги Беньков номли рассомчилик билим юртида ёёшларга дарс бердилар, расм чизиш ва композиция асари яратишни ўргатдилар.

40–50 йилларда шулар билан бир қаторда рассомлар ёшларга тасвирий санъат сирларини ўргатдилар.Маиший жанрда кўплаб асарлар яратган рассом Н. Кашинадир. Унинг «Доира чалаётган қиз» (1945й) «Тушки танаффус» асарида инсонни меҳнат билан барҳаётлиги, уни тоза ҳаво, офтоб нурларидан табиатдан завқланаётгани ўз аксини топган.

Асар композицияси, ранг колорити, миллий руҳда, инсонни замонавий ҳислатлари, композиция тузиш воситалари намоён бўлган. Ёшларга методик тавсия вазифасини бажаради.

1947 йили Ч.Ахмаров, Тошкентдаги Навоий номли опера ва балет театри биноси фойеси деворига А. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарига бағишланган маҳобатли рангтасвир асарини ишлади. Асосий мавзу афсона ёки бўлиб ўтган воқеалар бўлишига қарамай, типажлар, уларни аниқ ўхшашлиги, мураккаб композиция ечимида топилган.

Тасвирдаги одамлар ҳажмсиз аниқ чизгиларда ва енгил нозик ранглар тусида тасвирланган.

«Монументал» панно мавзусида А.Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», Етти сайёра, «Искандарнома», «Лайли ва Мажнун»нинг поэмаси асосида «Фаход ва Ширинни, Лайли ва Мажнунни учрашуви, Бахром-гўр ва Дилором, Искандарнинг тўгон қурилишини келиб-кўриши композициянинг асосий негизини ташкил этади». Ширин канизаклари билан Фарҳодга



нигоҳ ташлаб уни қилган жасоратига таъзим қилаётган вақти ифодаланган. Асарнинг муваффақиятли чиқишида рассомнинг А. Навоий достонларини яхши синчиклаб ўрганганлиги катта ёрдам борган. Бу асар учун Ч.Ахмаров 1948 йили «Давлат мукофоти»га сазовар бўлган эди.

50 йилларда рассом Москва, Козон, Днепропетровск, Кемерово шаҳарларида асосан маҳобатли –деворий асарлар устида ишлади. 1961 йилдан бошлаб Ч. Ахмаров яна Ўзбекистонда ижод қила бошлади. «Аълочи қиз», «Раҳима», «Балерина», Рассом «Темуров портрети», «Мукаррама Тургунбоева», «Зулфия» каби портретларни яратди.

Айниқса шоира «Зулфия портрети»да нозик чизгилар билан гавда ва қўл ҳолати, либослар ўзига хос гўзал ҳолатда ифодаланган.

Шоиранинг самимийлиги, ёқимтой нигоҳи чуқур поэтик ижод соҳиби эканлиги сезилиб туради. Ч.Ахмаров замонавий ўзбек аёлини зиё тарқатувчи маънавий бойлигини, ички гўзаллиги очиб берган. Чингиз Ахмаров кўп йиллар давомида К.Беҳзод номли Тошкент миллий рассомчилик ва дизайн институтида кафедра мудири, профессор бўлиб ишлади.

Кўплаб ўзбек «мону-ментал»чи рассомларни етиштириб чиқарди ва ўзига хос маҳобатли компо-зиция санъати мактабини яратди. 1953 йили Репин номидаги Ленинград бадиий академияси инсти-тутини Р.Ахмедов, Н.Қўзи-боев, Т. Оганесов, М.Саи-дов, В.Зеликов, Мухина номидаги олий санъат би-лим юртини В.Жмакин, В.Соседовлар (1954–55й). В.Суриков номидаги Мос-ква рассомчилик институ-тини Ю.Елизаровлар та-момлаб янги куч ва иштиёқ билим санъат оламига ки-риб келишди. Ижод билан бир қаторда П.Беньков номли рассомчилик билим юртида ёшларга сабоқ беришди.

Шу сабабли ўша йиллари билим юртини битириб чиқувчиларнинг турли нуфузли олий бадиий ўқув юртларига кириб ўқишларига замин яратилди.

Улар орасида ёш ва иқтидорлиси Н.Қўзибоевдир. Унинг Қора – қум ҳавзасига бағишланган «Қидирувчилар» (1953й) диплом иши аъло даражада ҳимоя қилиниб, ДАК аъзолари ва раиси Иогансон мақтовига сазовор бўлди ва институт музейидан доимий ўрин олди.



Ўзбек халқининг орзуси қуруқ ерни очишга отланган халқнинг шижоати, ғайрати Н.Кўзибоевнинг «Қидирувчилар», «Ўзбой ўзанида» картинасида ўз аксини топган.

Мазмун ва композиция жиҳатидан ўта антиқа замонавий бу асарда маҳорат билан, жазирама иссиқда ишлаётган матонатли кишилар образини тасвирлаб берилган.

Асар композициясида чодир ёнидаги шижоатли одамлар, юк ортилган туялар, махсус қидирув ишлари жиҳозлари тасвирланган. Инсон куч- қудрати билан табиий офатларни енгиб, чўлни боғу – бўстонга айлантираётганлар тасвири манзарасини гувоҳи бўламиз. Рассом ҳақиқатни жозибали тасвирлаган.

Композиция жиҳатидан мавзу ва маъно бир – бирига жуда мос боғланган. Чўл офтобида тобланган афсоналар яратувчи инсон образи асарда энг муҳим воситадир.

1954 йили Тошкент театр санъати институтида рассомчилик факельтети, 1955 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университетида «бадиий – графика» факультети ташкил топди.



Бу ерда дастлаб О. Татевосьян, В.Подгурский, М. Шчировский, Р.Аҳмедов, А.Кривонос, Н.Қўзибоев, педагогика институтида Ю.Елизаров, М.Саидов, Т.Оганесов, В.Юровскийлар тасвирий санъат асосларидан ёшларга дарс беришди.

Айниқса Р.Ахмедов ташаббус кўрсатиб, кўп меҳнат қилди. Шижоатли олов қалбли бу инсон кейинчалик бутун умрини Ўзбекистон тасвирий санъат мактабини ташкил топиб, ривожланишига бағишлади. Самарали меҳнати ва ижоди учун нуфузли давлат мукофатлари, орденъ медалларига сазовор бўлди.

Россия Бадиий Академиси Мухбир аъзоси, Ўзбекистон Бадиий Академиясини Академиги профессор Раҳим Аҳмедов институтда ижод лабораториясини, тасвирий санъат бўлимларини очди, кейинчалик аспирантура ташкил қилди.

Унинг мақсади ёш иқдидорли рассомларни тарбиялаб, ўқитиш ва Ўзбекистон тасвирий санъатини ривожлантиришдан иборат эди.

Мусаввирнинг «Она ўйлари», «Тонг», «Сора Ахмедова» портрети, «Лола» портрети «Оқтошда баҳор», «Сурхондарёлик аёл», асарларида жозибали ранглар воситасида ўзбек халқининг ўтмиши, ички дунёси, ҳис – туйғу, орзулари ўз ифодасини топган.

Раҳим Аҳмедов дастлаб портрет соҳасида жуда берилиб ижод қилди. Замондошларни бетакрор образини, мазмун ғояларни ифодалашда ўзига хос бадиий тил топди. Портрет яратганда, нафақат уни ташқи қиёфасига, рангларни уйғунлигига, балки уни чеҳрасидаги инсоний фазилатларни очиб беришга интиларди. Шунинг учун меҳнатсевар халқнинг миллий хусусиятларини, ўзида мужассамлаштирган аёллар, қариялар, ўспирин – ёшларни образини яратишга қаратилган эди.







«Чўпон портрети» да табиат билан курашиб оғир меҳнатни ёшликдаёқ елкасига олган 40- йиллар авлодининг тақдирини тасвирлаган. Чўпон йигит қиёфасида синчиклаб қараётган нигоҳи гавда композициясига боғланиб кетган, таёққа суялган, қабарган қўллари ва суялган гавдаси жазирама офтобда куйган дала ўтлари, ҳароратда қизиган табиат манзараси фонида – иссиқ рангларда ўз ечимини топган. Портет композициясини асосий мавзуни бу инсон образидир.

Катталарга тақлид қилиб бошига қийиқча ўраган оғир меҳнатни англаган, пушти кўйлакдаги ўсмирин бола тасвирланган. Бу ажиб асар ҳозирда Ўзбекистон Давлат санъат музейида авайлаб сақланмоқда.

1956 йили Раҳим Аҳмедов Бирчмулла қишлоғида, икки ўғли ҳамда турмуш ўртоғи фронтдан қайтмаган, меҳнатда қадди букилмаган мардона кекса аёл портрети, «Она ўйлари» асарини яратди. Мен шу портрет яратилишини шоҳиди бўлганман. Чунки рассомчилик институти талабаси сифатида Раҳим ака раҳбарлигида дала амалиёти – пленерни ўтар эдик. Аёл кўпинча қарияларга хос ўтирар, хаёлга чўмар эди. Аёл кечинмалари, онадан ёш етим қолган Раҳим аканинг бағрини тўлқинлантириб, унга меҳр, чуқур ҳурмат уйғотди.

«Она ўйлари» портрети композициясида, фигура бироз олдинга чиққан. Ёнғоқ дарахти ёнида ёстиққа суяниб тизза кўзига қўл панжаларини саранжом қўйиб, хаёлга чўмган аёл қиёфаси, композиция жиҳатидан классик мавқеига эга, жуда муваффақиятли топилган. Аёл юзидаги чуқур руҳий ҳолатни, унинг ғамгин юзидаги катта ёруғ кўзларида, меҳнатда тобланган юз чеҳрасида ҳайкалга хос ўз ифодасини топган.



Гавда, «силуэт» аниқ, енгил ранглардаги манзара фонида, кўк, бинафша, пушти, яшил, сариг рангларда шиддатли маҳорат билан тасвирланган.

«Ҳозирги даврда жанрли портретга кўпроқ аҳамият бериш керак»,дейди Р.Аҳмедов,чунки инсонни табиий шароитда,меҳнат жараёнида – ички кечирмаларини ишонарли чуқур ифодалаб бериш шароити мавжуд.

Рангларни мафтуни бўлган Р. Ахмедов кўп замондошлари қатори 1959 йил «Сурхондарёли қиз» портретини яратди.

Сариг ранглар фонида у бошига оқ рўмол ўраб ўтирган, юзлари қуёшда тобланган бугдой ранг аёл образини яратди.

Эгнидаги либоси қизил – заргалдоқ, декоратив рангларда бўйнидаги ялтироқ кумуш тангалар, туморлар ўзига хос услубда тасвирланган.





Рахим Аҳмедов билан бир қаторда Беҳзод номли миллий рассомлик ва дизайн институтида Ч.Ахмаров, Н. Қўзибоев, Т. Оганесов, В.Жмакин, В.Соседов, В.Ковинин, М. Саидов кабилар ёшларни тарбиялашда ўз хиссаларини қўшдилар.



М. Саидовни «Аския» (1964й) асарида пахта даласи манзараси, ёгоч кароватда дам олаётган пахтакорлар асар иштирокчиларидир. Композиция марказида қўлида пиёла ушлаган қария, навбатдаги ҳазил мусобақа ғалабасидан сўнги юзидаги кулги, илиқ чеҳра, рўпарасида ҳазилдан ютқазиб ўзини ноқулай ҳолатда сезиб ўтирган рақиб тасвирланган. Хушчақчақ ҳазил кулгидан ўзини тутолмай ўтирган атрофдаги одамлар ҳар хил ҳолатлар тасвирланган. Томошабинни эътиборини ўзига қаратган чол фигураси картинада асосий богловчи – композиция марказини ташкил этади. Ҳар бир типаж ўзига хос психологик ҳолатда жозибали илиқ – тилларанг колоритда ифода этилган.

В. Жмакиннинг «Паранжи ташлаган аёл» (1957й) картинаси кўпфигурали монументал композиция асарида драматик ҳолат тасвирланган. Асар мазмуни яхлит композиция ечими чуқур психологик асосда кўрсатилган.

Ёруғ офтобли кўчада бўлаётган тарихий драматик воқеа ифодаланган. Композиция марказини паранжи ташлаб салобатли турган ўзбек аёли ташкил этади.

Муаллиф келажакка интилган аёл образини, эски тузим вакилларига, руҳонийлар контраст ҳолатда қарама -қарши қўйган.



В.И. Жмакин картинада «типаж»лар образини, уларнинг руҳий муносабатларини, уларнинг либосларини контраст рангларда усталик билан тасвирлаб берган.



1955 йили Низомий Номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Бадиий-графика факультети ташкил топди.

Бу ерда дастлабки йилларда Ю. Елизаров, М.Саидов, Т.Оганесов, Юровсий А. Гольдрей, М.Набиев ёшларга тасвирий санъатдан сабоқ беришди, тасвирий санъат ва ижод асосларини ўргатишди, Республикамиз маориф соҳасига ёш рассом - ўқитувчиларни тарбиялаш билан бир қаторда , кўплаб ижодий асарлар яратишди.

Москвадаги Суриков номидаги рассомчилик институтида академик И.Грабарь, С.Герасимов қўлида таълим олган Ю.Елиаровнинг ижоди дастлаб портрет соҳасида бошланиб, шаклланди.

Унинг «Пахтакор қиз», «Кабутар кўтарган қиз», «Оналик» асарларида, рассомнинг колорит, нозик ранглар кўриш, каби яхши ҳислатлари намоён бўлган.

«Кабутар кўтарган қиз» (1953й) очиқ ҳавода (планерда) бажарилган. Токлар соясида ўтирган ёш ўзбек қизчаси образи намоён бўлган юмшоқ табассумли чеҳраси акс эттирлган. Чамбарак қилиб ўрилган қора сочлари, илиқ енгил қарашлари, унинг эркин ҳолатда ўтиришида ўзига хос ҳарактер ифодасини беради. Уйнинг деворига тушган ёрқин офтоб нури, ҳовлидаги яшил майса фонида байрам либосидаги қизнинг руҳий ҳолати жозибали тарзда тасвирлаб берилган. Юзидаги илиқ,

либосидаги совуқ рефлекслар рассом тасаввуридаги гўзал, ҳаққоний ифодани намоён этиб туради.

Ю. Елизаров ёзувчи «Садриддин Айний», рассом «Рашид Темуров» портрети ва бир неча мавзули, тарихий картиналар яратди: «Халима Носированинг ижодий кечаси» картинаси, «Регистон майдонида тантана» шулар жумласидандир.

Ёш педагог – рассомларни тарбиялашда айниқса Малик Набиевнинг хизмати жуда катта. У 30 йил давомида, Бадиий-графика факультети ранг тасвир кафедрасининг мудири бўлиб ишлади. Мутахассис фанларни ўқитишни такомиллаштиришга, илмий назарий, амалий қўлланмалар яратишда ўз хиссасини қўшди. Композицияда миллий ижод мактабини шакллантирди. Шу билан бирга тинмай ижод қилиб нуфузли кўргазмаларда қатнашиб, ўз малакасини такомиллаштирирди.

Унинг самарали ижодий меҳнати, давлат томонидан юқори даражада тақдирланди. У Ўзбекистон Халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий аъзоси, профессордир.

М.Набиевни «Эски мактаб» асари ўта маҳорат билан тасвирланган.

Танланган мавзу тарихий асар тузилиши (композицияси) ранглар мажмуаси, қоришмаси бир – бирига мутаносиб уйғунлашиб кетган. «Эски мактаб» асарида миллий мусаввиримиз томонидан, хаққоний очиб берилган.

Ҳамма болалар бошида жажжигина жиякли гиламкашта, чамандагул, Марғилон нусха дўппилар тасвирланган бўлиб, миллий кийимлар ёшларига қараб топилган уларга ниҳоятда ярашган. Болаларда сабр, одоб, илм олишга мойиллик, андиша каби ўзбекона ҳислатлар сезилмоқда.

Улар чўкка тушиб, бўйра устида ўтиришибди, олдирлирига пастак ясама курси, унинг устида дарсликлар.

Домладаги ақлу- заковат, илмларига хос кўриниш, хона ичи билан уйғун қилиб акс эттирлган. Бу асарда ҳар бир боланинг бир – бирини такрорламаган ҳолатлари ҳаётий топилган. Домла қиёфасининг кўриниши кўп йиллик тажриба натижасида яхши тасвирланганини қайд этамиз.

М. Набиев халқ баҳодирлари юнон босқичларига қарши жанг қилган «Спитамен қўзғолони», жасорати билан арабларни ҳайратда қолдирган «Муқанна қўзғолони» тарихий асарларини яратди.

Абу Райҳон Беруний образи тасвири унинг қомусий олим ва мутафаккир инсон эканлиги, узоқ вақт давомида машаққатли ижодий меҳнат қилиш, аллома яшаган даврни



яхши ўрганиш, бир неча бор эскиз ва ранглавҳаларни ишлаш натижасида юзага келади.

М.Набиевнинг «Беруний портрети» биринчи бор 1950йилда, иккинчи варианти 1974 йили алломанинг 1000 йиллиги ўтказилишига бағишланган танловда ғолиб чиқди. ЮНЕСКО томонидан чақириладиган «Курьер» журналининг 1974 й июль сони муқовасида босилиб чиқди ва дунё халқларига бориб етди.

Рассом асарда илм сирларини ечиш учун бутун вужуди билан киришган тарихий шахс, инсонпарвар олим Абу Райхон Берунийнинг бутун салобатини, нуфузини гавдалантиради. Картинанинг кейинги планларидаги китоблар, тиббиёт, илм фанга боғлиқ бўлган буюмлар, айниқса портрет композиция ечимидаги шарқона таҳлил, юз қиёфасидаги чеҳра чизгилари, руҳий ҳолати, мужассамлашиб яхлит Беруний образини, унинг қомусий олим мутафаккир инсон эканини янада бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган.



Шунингдек М. Набиев Соҳибқирон Амир Темур портретини 1995 –96 йилда яратди. У. давлат танлов комиссияси томонидан умумнаъмуна сифатида қабул қилинди.

Тасвирда Амир Темур саркардалик кийимида намоён бўлади. Тахтда ўйчан ўтирган соҳибқирон, қиличга қўлларини қўйиб, кучга, ақл – заковатга тўлиб, давлат осойишталиги ва фаровонлиги, халқлар иноқлигини ўйламоқда. Тарихчи Арабшох тарифлаганидек унинг бошига кийган тожи барваста қоматларига жуда ярашган.

Портрет ҳаворанг, зарҳал жигарранг, қирмизи ва оппоқ мойбўёқларда ниҳоясига етказилган Тахтнинг бир тарафида қуёшдек нур сочаётган жилвакор қадимий Мароқанд меъморчилиги кўринишлари акс этган.

Композицион жиҳатдан портрет тасвирида шижоатли, куч – қудратга тўлиқ, инсон қиёфаси ўзига хос салобатли қоматда тасвирланган.

М. Набиев тарихий алломалардан Захириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Ибн Сино сиймоларини, кўплаб замондошлар портретларини яратган педагог рассомдир.

Биз юқорида фақат иккита портрет яратилиши ҳақида таҳлил қилиб қайд этдик холос.

М. Набиев ҳам Р.Ахмедов каби бутун умрини ижодий асарлар яратиш билан бирга 35-40 йил давомида Низомий номидаги ТДПУ ёшларига тасвирий санъатдан сабоқ беришга ўзига хос санъат, композиция ижод мактабини шакллантиришга сарфлаб келди.

60 йиллари тасвирий санъат ижодкорлари қаторига Тошкент театр – рассомчилик институти, Ленинград бадиий академиясини битирган бир гуруҳ иқтидорли ёш рассомлар келиб қўшилди.

Улар орасида Ғ.Абдураҳмонов, Б. Бобоев, В.Бурмакин, А.Бойматов, Е.Мельников, В.Перов, Н.Шин, Р.Чориевлар ҳаётга чанқоқлик, шижоат билан иш бошладилар.

Б.Бобоевни уч қисмдан иборат «Фарғона сюитаси» (1970й) асари композициясини олиб кўрамиз.

1) «Фурқатнинг Қўқон билан хайрлашуви», 2) «Ишга», 3) «Риштонли уста кулол» учлик ишларида бирлик сезилмасада, «триптих» шаклидаги бу асарда чуқур ҳаёт мазмуни ўз аксини топган.

Фарғона водийси – Ўзбекистонинг гўзал ўлкаларидан бири. Фарғона ҳақидаги «триптих» учлик, ҳалқнинг тақдири, ҳаёт кечинмалари ҳақидаги кенг маънодаги достондир десак янглишмаймиз.



Асарни биринчи қисмида шоир Фурқатнинг дўстлари, устозлари билан ҳайрлашуви ҳақидаги лирик поэма тасвир воситаларида композицион жиҳатдан ҳаётий ва мукаммал тасвирланган.

Асарнинг марказий қисми кенг понорамада меҳнаткаш ҳалқнинг, Фарғона канали қурилишига» отланган кишилар график услубда, ёруғ ва иссиқ ранг колорити тасвирланган

«Триптих»нинг учинчи қисмида уста кулолнинг ижод қилиши жараёни совуқ кўкяшил ранглар гаммасида тасвирланган.



Думалоқ - овал шаклидаги лаганларни ва сув ҳавзасини пластик шакли, тандир олдида лаганга безақ бераётган уста яхлит композиция тузилишида ифодаланган ва томошабинга нозик, гўзал дунёни намоён этди. Бу асари учун Б.Бобоев собиқ иттифоқ Бадиий академиясининг кумуш медалига сазовор бўлган эди.

Б.Бобоев 60- йилларда ўз ижодида ўрта аср миниатюра санъати усталарининг тажриба – намуналаридан ва Дейнеканинг дастлабки изланиш натижаларидан фойдаланишга ҳаракат қилган.

Шундай рассомлардан бири Владимир Бурмакин. Ижодий диапазони кенг бу рассом ҳаёт мазмуни, бўлган воқеаларнни чуқур англаган ҳолда ўз композициясида асар моҳиятини жозибали очиб беришга эришади ва томошабинни ўзига ром

этади. Унинг «Хамон кўтаётган аёллар», «Бойсун аёли» асарларида мукаммал композиция ечими, ўзига хос бой ранг колорити ўз ифодасини топган. Латофатли ёш аёл, Она образини яратиш, мавзуни чуқур англаш натижасидир.





Унинг «Дарахт ҳақидаги поэма» картинасида асар қаҳрамонлари, икки ёшнинг ҳаёт тақдири тасвири табиат қонунлари тўғрисида фалсафий фикр юргизишга ундаб томошабинни ўйлантириб қўяди.

Икки ёшнинг эзгу ҳис – туйғуларини айнан табиат қўйнида бир – бирига изҳор этиши ҳолати, дарахт олдида композиция жиҳатидан фалсафий – лирик ечимини топган.

Мен мазкур қўлланманинг муаллифи сифатида 40 йилдан ортиқ педагогик ва ижодий иш тажрибага эга бўлиб, шу давр ичида бўлиб ўтган мунозара, бадиий мактаб услубиятидаги ўзгаришлар, ёшларни янгича ижодий йўналишининг гувоҳи бўла туриб, реалистик санъатнинг ҳаққонийлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Шахсий ижодий иш тажрибамдан бир нечта асарлар устида тўхталмоқчиман.

Замонавий мавзуга бағишланган кўп қиёфали композиция «Баҳмал қизлари» деб аталади. Асосий мавзу ижодий сафар вақтида пайдо бўлган. Жумҳуриятимизнинг Жиззах вилояти, Баҳмал ноҳияси тоғ ён бағрида ҳаёт кечириб меҳнат қилаётган қизлар ранг-баранг миллий кийимга ўраниб ёшлик гурурига тўйиниб, эзгу-ният, ҳаёлларга кўмилган оҳусимон гўзал қизларни баҳмал гиламда бир дақиқага тўхтаган вақт асосий мавзу қилиб олинган. Қошларига ўсма қўйиб меҳнат нашидасини сураётган ва рақсга тушмоқчи бўлиб турган қизлар рангли бўёқлар ва уйғун чизиқлар орқали акс эттирилган. Ёшларнинг ички дунёси, ҳис-туйғулари дугоналарнинг бир-бирини қулоғига дилдаги гапларини шивирлаётган ҳолати, жозибали тасвирлашда композицион барча унсурларда ўз ифодасини топган.

Яна бир асарнинг номи «Тўй» деб аталади. Бу асарнинг композиция тузуми, бажарилиши жиҳатидан қисман шарқий миниатюра санъати намуналарини эслатсада, у декоратив услубда бажарилган. Асар композициясида миллий гоя, тўй маросими, инсонларнинг бир-бирига бўлган қадр-қиймати, ҳурмат-иззати, меҳмондўстлиги жозибали рангларда ўз аксини топган. Бу борада шунга ўхшаш «Оила», «Механизаторлар ташвиши» каби яратилган асарларни мисол келтириш мумкин.

70- йиллари Москва Ленинград бадиий ўқув юртларини Ж. Умарбеков, Б.Жалолов, А. Мирзаев, А.Икромжонов каби ёш иқтидорли рассомлар битириб келдилар.

Айниқса Жавлон Умарбеков ва Баҳодир Жалоловлар талабалик йилларидаёқ бадиий кўргазмаларда қатнаша бошладилар. Ж. Умарбеков, аслида собиқ Бутун иттифоқ киномотография институтини томомлаган бўлсада, тасвирий





санъатдаги ижод йўлини портрет, маиший тарихий жанрда бошлади.



Унинг дастлабки «Алишер ва Хусайн Бойқаронинг ёшлиги» асари шарқ миниатюра анъаналари услубида яратилган. Икки ёш ўспириннинг мулоқоти, лирик – поэтик ҳолати композиция ечимида усталик билан тасвирланган.

Картина уйғониш даври тасвирий санъат усталари асарларидан таъсирланиб яратган. Шунингдек унинг «Тафаккурли инсон» асари мақтовга сазовордир.

Асарда инсон, коинот тараққиёти, абадият ва замон ҳақидаги мавзу асос қилиб олинган.

Бу асар муаллифнинг ижод чўққиси десак муболаға бўлмайди. Мураккаб композиция ечимида, эстетик дид, юқори

малакавий савия, маҳорат, чуқур фалсафий фикрлаш ўз аксини топган.

1986 йили Ленинградда бўлиб ўтган Ўзбекистон тасвирий санъати бадиий кўргазмасида Мыльников томонидан юқори баҳоланди.

Баҳодир Жалолов Ленинград рассомчилик – ижодий мактабини чуқур эгаллаган рассомдир. У ўз асар персонажларини содда табиий ҳолда атрофга, касбга муносабатини, ички ҳис – туйғуларини, маънавий бойлигини ифодалайди.



Рассомнинг салоҳияти ўткирлиги «Автопортрет». «В. Ахунов», «Комил Ёрматов» портретларида ўз ифодасини топган. Асардаги маҳомига етган қалам тасвир, чизиқлар, композиция тузиш маҳорати, уни юксак савияли билимидан



далолат беради. Унинг мазмуни композиция ечимида монументал йўналиш асосий восита бўлиб, Уйғониш даври расссомларининг бадиий тамойилларига асосланган.

У маҳобатли ранг тасвир ҳамда дастгоҳли рангтасвир санъати асосларини профессор А. Мыльниковдан ўрганди. Кейинчалик мукаммал академик қалам тасвирга асосланиб, Сальвадор Дали, Альбрехт Дюрер ижоди ва жаҳон бадиий меросларини ўрганиб, бадиий тафаккурни олға силжитди.

Унинг «Ниятга етиш», «Фолбинлик», «Метаморфоза», «Иккиланиш», «Яратувчи –инсон», «Икки асос кураши» асарлари туркумида ҳаётни фалсафий муаммолари, инсоннинг яшаш учун кураши, ундаги маънавий дунёқарашнинг шаклланиши каби масалаларни олға суради. Уни тасаввурида Уйғониш даври рассомларининг гоялари чуқур из қолдирган.

У. монументал санъат асарлари, Европа ва шарқ «прогрессив» ижодкорлар йўналишида бажарилган асар сифатида бўлажак рассомларни монументал композиция тузилишини ўрганишида асосий дастур, восита бўлиб хизмат қилади.

## ХОТИМА.

Ҳар қандай санъат тури инсонга ўз таъсирини ўтказиб унда дунёқарашини шакллантиради.

Тасвирий санъат инсонда ҳаётдаги кўрсатган жасоратини, фикр ва ички хиссиётларини акс эттиради.

Ўзбек тасвирий санъатини дастлабки ривожланиши босқичида рассомлар ҳақиқатни ярим манзара шаклида тасвирлашди. Уларни шарқона ҳаёт, ёдгорлик, обидалар фонида, ғала - говур бозор ҳаёти, чойхонада ҳордиқ чиқараётган ранг – баранг либослардаги одамлар қизиқтирди.

20 аср 90 йилларининг иккинчи ярмида тасвирий санъатда майиший жанр ривожланиши муҳим ҳодиса бўлди.

Халқнинг янги турмуш – тарзи, қишлоқ ҳаёти, пахта далаларидаги меҳнат жараёни, ўзбек рассомларининг асосий мавзуси бўлиб қолди, Ўзбекистон тасвирий санъати ҳозирги босқичда «профессионионализм» - маҳорат жихатидан ўзининг юқори мавқеига эга бўлди.

Ҳозирги замон санъати ривожланишига, рассомнинг ижодий изланиши янги мазмунли гоя, инсонларнинг маънавий – маърифий талабларини қондириш билан боғлиқдир. Шунинг учун картина композицияси ечими, мураккаб руҳий ҳолатини топиш, рассомдан кундалик ҳаётдаги гўзалликни акс эттириш муаммоларини, замондошларнинг ички ҳис–туйғуларини сезишни, тўғри чуқур тасаввур этишни талаб қилади.

Рассомлар зиммасига ўз асаларида бадиий образларни яратиш воситаларини бойитиш, тараққий этган жаҳон илғор рассомлари тажрибалари билан дунёқарашлари кўламини кенгайтириш каби маъсулиятлар қуйилган.

Мустақиллик туфайли бошланган буюк тарихий тараққиёт йўлидан оғишмай олға ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси олдида эндиликда бир қанча муҳим вазифа ва муаммолар турибди.

XXI асрга собитқадамлик билан кириб келаётган Ўзбекистон Республикасининг келажаги илм –фан, таълим – тарбия тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида жамиятимизда таълимни тубдан ислоҳ қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Илм –фан, маданият ва маърифат ҳар қандай мамлакатни юксакликка кўтаради, уни тараққиётини таъминлайди.

Дарҳақиқат, бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки унда ҳарбий қудрат эмас, балки интелектуал салоҳият, ақл – идрок, фикр илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Эндиликда ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, биринчи навбатда, ўзининг юксак маданият ва маънавияти билан «кучлидир. Куч – билим ва тафаккурда дир – дейди И. Каримов.

Мамлакатимиз келажаги сўзсиз кадрлар тайёрлашга бевосита боғлиқ. Янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, ташкилотчи ва зукко кадрларга эга бўлиш учун, таълим – тарбия тузимини тубдан ўзгартириш, уни давр талаби даражасига кўтариш, жамиятимизнинг, ҳар биримизнинг олдимиздаги энг муҳим вазифалардан бири бўлмоғи керак.



## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.


1. О.К. Апухтин «Тасвирий санъат асослари» 1967й. Тошкент Ўқитувчи 1984й.
2. Б..АҚ.Азимова «Натюрморт чизиш ва тасвирлаш методикаси» 1984й Тошкент Ўқитувчи.
3. Г.М.Абдурахмонов «Тасвирий санъат композицияси» 1996й. Тошкент.
4. М.И.Земская «Александр Волоков Мастер гранатовой чайханы»· Художник 1975й.
5. В. Шорохов «Основы композиции» Москва «Просвешение 19779й.»
6. А.Эгамбердиев «Жанровая живопись Узбекистана». Изд. Гофур Гулям Тошкент 1989й.
7. А.Р.Умаров «Абдулҳақ Абдуллаев» изд. Художник 1971й.
8. М.Соколова П.П.Беньков воспоминания и переписки изд. Г.Гуляма Тошкент 1981й.